Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 29-dekabr, chorshanba № 103-104 (8337) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Бахт кулгу бор уйга кирар.

Ўзбек халқ мақоли

"БОЛАЛИК ШАҲАРЧАСИ"ДАГИ ШОДИЁНАЛАР

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Янги йил байрами шодиёналари бошланди





Бу ерда барпо этилган "Болалик шаҳарчаси" қалби орзуларга тўла болажонлар, пойтахтлик ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ҳамюртларимиз, шунингдек, хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам тантаналари барчада катта қизиқиш ва таассурот уйғотмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар негизида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни вояга етказиш мақсади мужассам. Поёнига етиб бораётган Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги эзгу ишлар кўлами янада кенгайди.

Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдони шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Майдонда ранг-баранг ўйинчоқлар ва турфа чироқлар билан безатилган маҳобатли арча наинки кичкинтойлар, балки барча инсонларнинг қувончига қувонч, завқига завқ қўшмоқда. Бу «Совпласти-тал» қўшма корхонасининг жажжи болажонлар учун тайёрлаган ўзига хос байрам туҳфасидир.

(Давоми 2-бетда.)

Ё.ШАМСИДДИНОВ, А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЯНГИ УЙДА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ — 3-бет

«MA'RIFAT» — 2010 МУНДАРИЖАСИ — 10-11-бетлар

«СПИНТРОНИКА» — КЕЛАЖАК ФАНИ — 18-бет

СПОРТ: яна бир довон ортда қолди — 23-бет

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА

истиқболни белгилайди

Hay'at yig'ilishida

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири А.Марахимов бошқарган мажлисда йил якунлари бўйича тизимда амалга оширилган қатор масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолати таҳлил этилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий таълим муассасаларида иш юритиш, ижро назоратини ташкил этиш ҳолати ўрганилгани ҳамда берилган тавсияларнинг бажарилиш ҳолати кўриб чиқилди.

Жумладан, шу йилнинг II чорагидан вазирлик бошқарув тизимида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Ишлар бошқармаси тугатилиб Назорат ва таҳлил бошқармаси ташкил этилгани ҳамда вазирлик марказий аппарати бошқарув тизимида 2010 йил апрелдан бошлаб "Job Flow Control" автоматлаштирилган электрон дастури амалиётга жорий этилгани таъкидланди.

Кун тартибидаги таълим муассасаларида ташкил этилган Директор жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги масала бўйича вазир ўринбосари О.Собиров маълумот берди. Маърузачи Халқ таълими вазирлиги томонидан жойлардаги таълим муассасалари раҳбарлари масъулиятини ва молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишларини янада кенгайтириш зарурлигига урғу берган ҳолда мавжуд хато ва камчиликларга тўхталиб ўтди. Мазкур йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари мисолида умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ҳамда мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаларидан самарали фойдаланиш ҳолати муҳокама этилди.

Мактабларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда кўплаб камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги таъкидланди. Жумладан, айрим умумтаълим мактабларида 2010-2011 ўқув йили учун тузилган дарс жадвалларида фанларнинг мураккаблилик даражаси, ўқувчиларнинг ёши ва психологик-физиологик ҳолатлари ҳисобга олинмагани, санитария назорати тартиб-қоидаларига амал қилинмагани айтиб ўтилди. Шунингдек, мактаблардаги ўқувчилар давомати, синф журналларининг юритилиши, мактаб педагогик кенгаши ҳамда ўқитувчиларнинг йиллик ва кундалик иш режаларидаги камчиликлар танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Йиғилишда шунингдек, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизимини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, "Президент арчаси" байрам тадбирини ташкил этиш ва уни ўтказиш, вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича билимлари синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро андозалар ва миллий қонунчилик" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Халқ таълими, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Ўзбекистон Миллий университети, Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси О.Жамолиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

«Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ёш авлоднинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий камол топишига яқиндан кўмаклашишда муҳим омил бўлаётир.

Ёш авлодга пухта таълим-тарбия беришнинг миллий тизими жаҳон таълим амалиётининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этгани билан юксак самаралар бермоқда. Буларнинг барчаси БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига уйғундир.

Давра суҳбатида тегишли вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотларининг болалар манфаатларини таъминлашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш, ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу борада давлат тузилмалари ҳамда жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

"БОЛАЛИК ШАҲАРЧАСИ"ДАГИ ШОДИЁНАЛАР

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Янги йил байрами шодиёналари бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Майдонда барпо этилган «Болалик шаҳарчаси»даги эртакнамо муҳит ҳар бир кишини болаликнинг беғубор дамларига қайтариши, кўнгилларга завқли туйғуларни эндириши шубҳасиз. Болаликнинг самимий, покиза хотираларини ёдга солувчи Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари, айиқчаю бўривой, Шум бола, Зумрад ва Қиммат байрам тадбирларига завқ, ўзгача хуш кайфият, алоҳида кўтаринкилик бахш этаётир. Байрам руҳига мос тарзда барпо этилган мўъжаз раста ва дўконлардан кичкинтойлар учун турли ўйинчоқлар, ширинликлар, бадиий китоблар, мактаб анжомлари ва бошқа маҳсулотлардан иборат совғалар харид қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, болажонларнинг қишки таътил кунларида бу ерда ҳар куни пойтахтимиздаги театр жамоалари, эстрада ва цирк санъати юлдузлари иштирокида Янги йил айёмига бағишлаб махсус театрлаштирилган саҳна томошалари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, республика ва халқаро фестиваль, кўрик-танловларда ғолиб бўлган хонандалар ижросида концертлар, мусиқий дастурлар намойиш этилади.

— Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йилда академик лицейимизнинг капитал реконструкция қилинган ва замонавий мусиқа чолғу асбоблари билан жиҳозланган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилиши биз учун улкан туҳфа бўлди, — дейди В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамолова. — Кириб келаётган янги йилда ҳам ўқувчиларимиз турли хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган халқаро фестиваль ва кўрик-танловлар, концертлар ва санъат анжуманларида муваффақиятли иштирок этиб, Юртбошимиз ва халқимизнинг юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар.

— Якунланаётган йил ҳам юртимиз учун барқарор юксалиш ва тараққиёт даври бўлди, — дейди қорақалпоғистонлик ҳунарманд Ойзода Нуримбетова. — Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бундай юксак самаралари ҳар бир юртдошимизнинг тинч ва фаровон ҳаётида ўз ифодасини топаётир. Кириб келаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорлик янада ривожланиши ва кўплаб иш ўринлари яратилиши шубҳасиз. Бу эса эл-юртимиз равнақига хизмат қилади, ёруғ ва саодатли кунларимизга бўлган шукроналикни, келажакка қатъий ишончимизни оширади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Dekabr — "Milliy g'oya" turkumiga kiruvchi fanlar oyligi

Декабрь — "Миллий ғоя" туркумига кирувчи фанлар ойлиги муносабати билан Ҳамза туманидаги 69-мактабда "Очиқ дарслар фестивали" ўтказилди. Унда Республика таълим маркази, пойтахт мактабларининг "Миллий ғоя" туркумига кирувчи фанлар ўқитувчи устозлари ва уларнинг шогирдлари қатнашди. Дастлаб мактабнинг Миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари фани ўқитувчиси Нодир Ҳайитов томонидан ўқувчилар иштирокида ноанъанавий дарс намойиш этилди. "Мустақиллик йилларида халқимиз маънавий меросининг тикланиши" мавзусидаги ушбу машғулот ўқитувчилар томонидан таҳлил қилинди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган дарсдан сўнг 69-мактаб томонидан ТШХТББ ва Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда "Заковат" интеллектуал ўйини ташкил этилди. Унда барча туманлардан 1 нафардан иштирокчи қатнашиб, "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари бўйича эгаллаган билимларини синовдан ўтказдилар.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари туман халқ таълими бўлимлари томонидан фан ойлигига бағишлаб ташкил этилган кўргазмали воситалар билан ҳам танишдилар.

М.МЎМИНОВА, "Ma'rifat" мухбири Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Qutlug' ostona

ЯНГИ УЙДА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

"Қишлоққурилишинвест" шўъба инжиниринг компанияси аҳолини янги уй билан таъминлашда яқиндан кўмак бермоқда.

—"Тошкент вилояти бўйича 635та турар жой қуриш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда қурилиш ишлари якунига етиб қолди. Буюртмачилар ўз уйларига кўчиб ўтишмоқда, — дейди компаниянинг Тошкент вилояти филиали директори Алишер Алимов.

Жорий йилда мамлакатимизнинг аксарият вилоятларида барча қулайликларга эга халқимизнинг яшаш тарзига мос бўлган тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ давлат сиёсатини ўзида ифодалаши билан катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги **«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қароридан сўнг юртимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга бўлган замонавий уй-жойлар қурила бошланди. Пишиқ ғиштдан, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилаётган бундай ҳовли-жойлар соҳибига айланганлар ичида ўқитувчилар ҳам йўқ эмас. Улар янги — 2011 йилни ўз оила аъзолари билан кўркам уйларда кутиб олишмоқда.

ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙЛАРГА БУЮРСИН!

Худди шундай турар жой мажмуи Ғиждувон туманининг Гаждумак қишлоғида ҳам барпо этилди. Янги уй соҳибларидан бири — тумандаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Раҳмонова ўз оила аъзолари билан Янги йил байрамига тараддуд кўрмоқда:

— 21 йилдан бери жажжи болажонларнинг саводини чиқариб келаяпман. Кўриб турганингиздек, замонавий ва ҳар томонлама қулай уйларда яшаш бизга ҳам насиб этди. Бундай ғамхўрликдан бениҳоя мамнунмиз. Янги йилни янги уйда кутиб олиш оддий уй бекаси сифатида менга қувонч бағишламоқда. Хонтахта устига ёзилган дастурхонни фарзандларим, турмуш ўртоғим ва келадиган меҳмонлар учун безатаман.

Уйларимиз лойиҳасини чизган архитекторлар барака топишсин. Ҳамма томонини ҳисобга олишган. Меҳмонхона кенг, шинам. Ошхонада таом тайёрлаш учун газ духовкаси бор. Ювиниш хонаси, ёзги айвон ҳам эътибордан четда қолмаган.

Ҳовлимиз атрофи чиройли девор билан ўралган. Хоналар бежирим, шинам ва ҳар томондан ёруғлик тушишига мўлжаллаб қурилган. Яна шуниси қулайки, биз «Қишлоққурилишбанк»га уй нархининг маълум бир қисмини тўладик. Қолган суммани эса 15 йил давомида аста-секин тўлаб борамиз. Бу мен каби ўқитувчилар учун каттагина иқтисодий ёрдам ва кўп йиллик орзуларимизнинг ушалишидир.

Ана шу мактаб ўқитувчилари Муҳаррам Саломова, Муҳаббат Исломованинг оиласи ҳам Нигора Раҳмонова билан қўшни бўлди. Энди улар бир-бирининг тўй-маъракаларида хизматда бўлишади.

Топганингиз тўйларга, уйларга ва шодиёналарга буюрсин, азиз УСТОЗлар!!!

Сора ТОШЕВА.
Бухоро вилояти

НОН ҲИДИ — ХОНАДОН ФАЙЗИ

Кириб келаётган янги йилни янги уйда кутиб олиш бахтига сазовор бўлаётган устозлардан бири — Уркия Шамсиеванинг кайфияти аъло. Унинг 2 нафар фарзанди бор. Узоқ йиллардан буён тарих фанидан дарс бериб келаётган муаллима Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Алишеробод" маҳалласида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойлардан бирига буюртма берган эди.

— Янги йил арафасида намунавий, янги уй-жойга эга бўлганим мен учун қўшалоқ байрам бўлди. Байрам арафасида бизни йўқлаб келувчи қариндош-уруғларимизни тўкин дастурхон атрофида кутиб олиш ниятим бор. Бу уй орзу қилганимдек шинам, кенг, оқсоқ. Ўғлим биринчи гуруҳ ногирони, мустақил ҳаракатлана олмайди. Кўп қаватли уйдан ташқарига олиб чиқиш қийинроқ бўлгани сабабли, у вақтининг асосий қисмини тўрт девор орасида ўтказишга мажбур эди. Энди ўғлим ҳовлига чиқиб, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш имконига эга. Кафтдек бўлса ҳам, еринг бўлсин экан. Ҳовлига баҳорда райҳонлар, гуллар экаман, у кеч кузга қадар муаттар бўй таратиб туради. Дарвоқе, уйимизда кутубхона ҳам ташкил этмоқчиман, йиққан китобларим анчагина. Ўқувчиларим фойдаланишсин, дейман.

Ҳашаматли уйларда тандирхона ҳам қуриш мумкин. Ахир, тандирдан узилган иссиқ нон дастурхонга тортилса, бунинг гашти ўзгача. Янги машина харид қилмоқчи бўлсангиз, уловингиз учун гараж ҳам аввалдан тайёрлаб қўйилган.

— Мустақил тараққиёт йўлимиз қанчалик тўғри, оқилона эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Деҳқон бой бўлди, қўли гул ҳунарманд санъат асари даражасидаги меҳнат маҳсуллари билан бутун дунёни ҳайратга солди, тадбиркор ўзи ва элининг дастурхонини тўкин қилмоқда, нуроний отахону онахонларимиз доимо дуога қўлларини очишади. Шулар қаторида ўқитувчи, УСТОЗнинг шон-шарафи осмон қадар юксалгани қалбимни ғурур-ифтихорга, қувончга тўлдиради. Бундан ортиқ бахт борми, биз учун?! — дейди муаллима.

Ўзбекона файзли хонадон руҳи уфуриб турган уйдан қайтар эканмиз, Уркия опа ҳовлисида фақат тўй-тантаналар, хурсандчиликлар овози, невараларнинг қувончли кулгулари жаранглаб туришини чин кўнгилдан тиладик.

Мухлиса МЎМИНОВА.
Тошкент вилояти

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ

Замира ўғилчасини кўтариб, дераза олдига келди. Қуёш чарақлаб турган куз куни. Бу ерга кўчиб ўтганларига эндигина тўрт ой бўлди. Янги уйга жойлашиб олгач, орадан икки ойча ўтиб, фарзанди дунёга келди. Бу ондаги қувончни таърифлашга сўз ҳам, қалам ҳам ожиз. Замонавий барча қулайликларга эга уйда фарзанд ўстириш, унинг учун елиб-югуриш, эҳтиёжлари учун қайғуриш — ширин ташвиш эканлигини Замира кўнглидан бот-бот ўтказади.

Дарҳақиқат, Боғот туманидаги «Хўжалик» қишлоғида бунёд этилаётган турар жой биносидан биттаси 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Замира Эгамовага насиб этди. Барча қулайликларга эга бўлган бундай ҳовлини муаллима кўпдан бери орзу қиларди. Қишлоқда янги уй-жойлар қурила бошланганини ва улар аҳолига кредит маблағлари эвазига берилишини эшитган муаллима турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, дарҳол буюртма берди.

Қишлоқларда замонавий уй-жойларнинг қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилаётганлиги ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бундан аҳоли мамнун. Юқорида таъкидлаганимиз — Боғот туманида қатор қилиб қурилган замонавий турар-жой бинолариға кўпчиликнинг таклифига биноан, «Янги ҳаёт» номи берилди. Уйлар жойлашган кўча эса туман ҳокимияти томонидан «Буюк келажак» номи билан расмийлаштирилди. «Исми жисмига монанд» деганларидек, «Янги ҳаёт»да янгича муҳит ҳукмрон, энг муҳими замондошларимиз тинч ва осойишта яшашяпти. Яқин орада маҳалла гузари ҳам қад ростлайди. Гузарда тўй-маъракалар учун иккита тўйхона, учта дўкон, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, ҳаммом, автохизмат бўлимини очиш режалаштирилган. Қисқаси, мўъжазгина шаҳарча.

Ёш муаллима Замира Эгамова ўз миннатдорчилигини шундай ифодалайди:

— Кичкинтойим Фозилбек барча қулайликларга эга хонадонимизда, тинч ва осуда она юртимизда соғлом камолга етмоқда. Она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Мен унинг соғлом ва бақувват ўсишини истайман.

2011 йилни кутиб олиш арафасида турганлардан бири — туғруқ таътилидаги муаллима Назира Эгамова байрам куни қўшнилар бир-бирлариникига чиқишлари ҳақида эшитиб хурсанд бўлди, тайёргарлик кўриб қўйиши керак. Бу — ўзбекона анъана, барчасидан афзали — дийдор ширин, янги қўшнилар билан дилдан суҳбат қурганга нима етсин!

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА.
Хоразм вилояти

Шоҳсанам Зикрияева беш йилдан буён Бахмал туманидаги 32-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Муаллима эришаётган ютуқлар ҳавас қиларли даражада. Орзуга айб йўқ, кўпдан бери Шоҳсанам ўз шахсий ҳовлисига эга бўлиш истагида эди. Сабр қилган муродига етар экан. Мана, у барча қулайликларга эга бўлган тўрт хоналик уйнинг бекасига айланди.

ЎЗБЕКЛАРГА ҲОВЛИ ЯРАШАДИ

Дарҳақиқат, Бахмал туманида ҳам намунали лойиҳадаги уй-жойларнинг бунёд этилиши ва калитларнинг буюртмачиларга топширилиши катта шодиёнага айланди. Халқимиз удумига кўра, ҳар бир хонадонда ҳовли тўйлар бўлиб, қўшниларни бир-бирига яқинлаштирди.

— Икки нафар фарзандимиз бор. Уларнинг униб-ўсиши учун барча қулайликларга эга бўлган уй-жойимиз бўлишини орзу қилардик. Қатор қилиб бунёд этилган уйларда табиий газ, ичимлик суви бор. Қўни-қўшнилар аллақачон бир-бирлари билан танишиб, борди-келди қилишяпти, — дейди Шоҳсанам.

Бу ерга муаллиманинг ота-онаси, опа-укалари, жиянлари ҳам тез-тез келиб туришади. Яқинда отаси Абдуазизхон Зикрияев қизиникига ташриф буюриб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Неваралари учун алоҳида хона, меҳмонлар учун зал. Шаҳарчага элтадиган йўлга асфальт ётқизилган, машина учун ҳам, пиёдалар учун ҳам равон йўл, кўчаларда чироқ. Қисқаси, обод бир маҳалла.

Абдусаттор СОДИҚОВ.
Жиззах вилояти

☑ ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ГРАФИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА 30 НАФАР РАССОМНИНГ 150ДАН ОРТИҚ АСАРЛАРИ НАМОЙИШГА ҚЎЙИЛДИ.

Рассомлар асарларида Самарқанд, Тошкент, Венеция, Москва ва бошқа шаҳарларнинг маълум бир даврда вужудга келган кўринишлари, меъморий ёдгорликлари ва кўп қаватли бинолари, қишлоқларимизнинг гўзал табиати, хотин-қизларимизнинг бир неча авлодга мансуб портретига чизгилар, натюртмортлар, бизни ўраб турган олам, табиат, турмуш тарзимизнинг қатор қирралари, қадриятларимиз ўз аксини топган.

Айни пайтда кўргазмани томошабинлар қизиқиб томоша қилишаётир. Айтиш жоизки, янги — 2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Графика шўъбаси томошабинлар сўровлари ва нуфузли комиссия хулосаларига асосланиб 2010 йилнинг энг яхши график рассоми номини эълон қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

☑ ҚАРШИ ШАҲАР МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ «НУРИСТОН» АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда академик лицей ўқувчиларининг ўқув жараёни, яратилган шароитлар хусусидаги саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Тадбирда тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда академик лицей директорининг маънавий ва маърифий ишлари бўйича ўринбосари Акмал Қудратов, информатика фани ўқитувчиси Раъно Ҳамитова, инглиз тили фани ўқитувчиси Шаҳноза Бозорова Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Академик лицейнинг тажрибали ўқитувчиларидан яна бир неча нафари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қарши шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Шунингдек, илғор ўқитувчилар ва фаол ўқувчилар турли номинациялар бўйича ғолиб бўлишди.

Тадбир якунида академик лицей ўқувчилари ҳукуматимиз томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишларини билдиришди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

☑ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАГИ ТАШАББУСКОР ВА ИЖОДКОР ПСИХОЛОГЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА КАСБИЙ МАҲОРАТЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЮНУСОБОД ТУМАН БОСҚИЧИ ДЕКАБРЬ ОЙИДА ЯКУНЛАНДИ.

«Йилнинг энг яхши психологи - 2011» кўрик-танлови иштирокчилари 3 турда ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Психологлар томонидан тавсия этилган ҳужжатлар баҳолангач, тест топшириқлари бажарилди. Сўнг психологик вазиятдан чиқиш йўллари, саҳнада болалар билан мусиқа, мультимедиадан фойдаланиб, тренинг ўтказиш шартлари бажарилди.

Барча шартлар бўйича юқори балл тўплаган 265-мактаб психологи Барно Номозова шаҳар босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Кўрик-танловда Эвилина Суюнова (43-мактаб), Дилфуза Ашурова (86-мактаб), Шаҳноза Рўзиева(51-мактаб)лар ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

Хуршида ТОЛИПОВА

☑ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗЛиДеП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОКИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И.КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Давра суҳбатини ТТЙМИнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори ўринбосари Баҳром Жуманиёзов очиб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насим Алимов Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳиятини ўқувчи ва талабаларга кенг тушунтириб ўтди. Маъруза юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Каримова ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига жалб қилиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадқиқотчи Ҳабибулло Ражабов эса «Инсон онги ва қалби учун кураш шароитида ёшлар маънавиятини шаклланти-ришнинг баъзи қирралари» мавзусида ўзининг мунозарали фикрларини ўртага ташлади.

Давра суҳбати якунида ўқувчи ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига депутатлардан атрофлича жавоб олдилар. Бундан ташқари, депутатлар давра қатнашчиларига саволлар бериб, яхши жавоб берган ўқувчи ва талабаларга ўзларининг совғаларини топширдилар.

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ,
ТТЙМИ қошидаги академик лицей директори

☑ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ИШТИХОН ТУМАНИДАГИ 22-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ.

Иккинчи чоракнинг иккинчи ойида бўлиб ўтадиган фан ойлиги бўйича бу мактабда арзигулик тажриба тўпланган. Тадбирларда ўқувчилар ёши, психофизиологик хусусиятлари инобатга олинади. 6-синф ўқувчилари «Миллий қадриятларимиз» мавзусида белгашган бўлса, 7-синфлар учун «Ҳар гўшанг бир тарих, жонажон ўлкам» мавзусида танлов ташкил этилди.

Юқори синф ўқувчилари нисбатан мураккаброқ «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Конституция — Ўзбекистон фуқаролари тақдирида» мавзулари бўйича бир-бирлари билан билимлар баҳсига киришди.

— Ўтган ўқув йилига нисбатан бу йил фан ойлигини мазмунан бойитдик. Услубий бирлашма йиғилишида ушбу фан туркумидаги ўқув фанлари дарсларини интерфаол усулларда ўтишга келишиб олинди. Ҳар бир ўқитувчи 10тадан очиқ дарс ўтказди, — дейди мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Собир Мамарасулов.

Ҳ.КУЗМЕТОВА

☑ ЯНГИ 2011 ЙИЛ АРАФАСИДА КЕЧАГИНА МАКТАБ ОСТОНАСИГА ИЛК ОДИМЛАРИНИ ҚЎЙГАН БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛАРИ ИЧИГА СИҒМАЙДИ.

Негаки, улар ака-опалари каби «Alifbe»-нинг барча ҳарфларини таниб олдилар, сонларни бир-бирига қўшиб айиришни ҳам уддалашаяпти, ўз исмларини-ку, бемалол ёза олишади.

Шу муносабат билан Сергели туманидаги 300-мактабнинг Тамара Пўлатова синф раҳбарлик қилаётган 1-"Д" синф ўқувчилари Янги йил ва саводхонлик байрамини нишонлашди. Шодиёнада бир-биридан ажойиб шеърлар ўқишган, ашула ва рақслар ижро этган ўқувчилар таълим даргоҳининг ўзига хос "Диплом"лари билан тақдирландилар.

МУХБИРИМИЗ

☑ ЎЗМУ МАДАНИЯТ САРОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН АДАБИЙ АНЖУМАНДА МИСКИН ТАХАЛЛУСИ БИЛАН ИЖОД ҚИЛГАН ҒУЛОМХАЛИЛ ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ, ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА «САВТИ ДУГОҲ» ШЕЪРЛАР ТЎПЛАМИ ҲАҚИДА ФИКРЛАР БАЁН ҚИЛИНДИ.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид сўз олиб, бу инсон илм-фанни ўрганишга даъват этувчи шеърлар ёзиш билан бирга, мумтоз ўзбек шеъриятининг ноёб анъаналарини муваффақиятли давом эттирганини таъкидлади. Ўзбекистон халқ артиси Ёдгор Саъдиев шоирнинг аруз вазнида яратилган, ҳофиз ва хонандалар репертуаридан муносиб ўрин эгаллаган шеърларидан хиргойи қилди.

Анвар ҚОБИЛОВ

☑ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 296-МАКТАБДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «ОЧИҚ ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ» БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда тажрибали ўқитувчилар ўзига хос ўқитиш услублари билан иштирок этиб, яна бир бор билим ва салоҳиятларини намойиш этишди. Айниқса, Дилноза Зоидованинг математика фанидан ўтказган «Айиришнинг тўғрилигини текшириш» мавзусидаги очиқ дарси барча ҳамкасблари ва ота-оналарнинг эътирофига сазовор бўлди. Ёш, изланувчан ўқитувчи дарсни ноанъанавий усуллар, замонавий техника воситалари, кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борди. Ўқувчилар томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари, қизиқарли ўйинлар танлови барчада яхши таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида фаол қатнашган ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шаҳноза РОФИЕВА

Aziz o'quvchi! Bayram tadbirlari, qishki ta'til mavsumi ham aslida sizning olgan bilimlaringizni va sog'ligingizni mustahkamlash uchun tashkil etiladi.

ҚИШКИ ТАЪТИЛ

ҳар кун тартибли ва мазмунли ўтсин

Таътил бошланди. Кимдир арча ясатиб, уйларини байрамона безатишга киришиб кетган бўлса, кимдир ота-онаси билан болалар учун ташкил этилган «Президент арчаси» шодиёналари томон ошиқмоқда. Бу кунларнинг завқи ўзгача. Чунки болажонларнинг севимли байрами — Янги йил айнан қишки таътил даврига тўғри келади. Байрам ўтгач эса, таътилнинг қувноқ кунлари бошланади. Олдинда яна 10 кун бор. Бу муддат давомида болалар қандай дам олмоқчи? Ўқитувчилар, ота-оналар ёки бошқа мутасаддилар болаларнинг таътили мазмунли ва мароқли ўтиши учун қандай чора-тадбирларни амалга оширишди? Биз мана шу хусусда уларнинг фикри билан қизиқдик.

Dolzarb mavzu

Фаолиятсизлик болани зериктиради

Одатда, ҳар куни иш билан банд одамнинг бирданига қиладиган иши қолмаса, ўзини ноқулай ҳис қилади. Ўқувчилар ҳам таътилни орзиқиб кутган бўлса-да, байрам арафасида тинмай ўйнайди, телевизор томоша қилади. Бир-икки кундан сўнг дам олиб зерикади. Байрам ўтгач, ота-она ҳам ишга отланади. Бола уйда ёлғиз. Энди у зерика бошлайди. Кўчага чиққиси, ўртоқларига қўшилиб ўйнагиси келади.

— Таътил ўқувчилар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу давр мобайнида улар олган билимларини мустаҳкамлайди, янги билимлар олишга куч йиғади, — дейди Республика таълим маркази мутахассиси Махфират Қурбонова. — Қишки таътил кунларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш учун жойлардаги таълим муассасаларида бунга алоҳида тайёргарлик кўриш, кўпроқ нималарга эътибор бериш кераклиги пухта ўрганиб чиқилади. Тадбирлар режасини тузишда вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари масъул ходимлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог-мураббийлари, мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, синф раҳбарлари, болалар етакчилари, фан тўгараги раҳбарлари, маҳалла, ота-оналар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, "Камалак" болалар ташкилоти аъзолари билан ҳамкорликда режа тузилади.

Таътил мавсуми ҳар бир кунининг тартиби ва мазмунини эътиборга олиш муҳим. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таътилнинг ҳар бир кунига юкланган вазифа бор. Масалан, "Тафаккур гулшани" мавзусида кичик танлов ўтказилиб, унда ўқувчилар ёд олган шеър, монолог, асар ва достонлардан парчалар ўқиш асосида саҳна кўринишлари тайёрлаш, "Кумуш қиш" мавзусида кичик иншолар танловини ўтказиш, "Чиниқамиз — яйраймиз" мавзусида спорт ўйинлари, табиатни асраб-авайлаш, уни ардоқлаш юзасидан "Биз табиатни севамиз" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этиш мумкин.

— Фаолиятсизлик боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, — дейди ота-оналардан бири Манзура Шамсиева. — Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она таътил бошланди, дегунча фарзандининг дам олишини тўғри ташкил этиш ҳақида бош қотира бошлайди. Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонибоқ мактабга отланадиган, 4—5 соатлик дарсдан сўнг уйга келиб, мазмунли ҳордиқдан сўнг яна уйга вазифани тайёрлашга ўтирадиган бола бирдан бўшаб қолди. Ўқиш бошланишига эса анча бор. Биласиз, ҳозир кўп болалар озгина бўш вақт топса, ўзини интернет кафега уради. У ерда қандай ўйин ўйнайди, унга қанча вақт сарфлайди — номаълум. Ҳеч ким интернет кафеда фарзандимизнинг бўш вақти мазмунли ўтишига кафолат бермайди.

Уч нафар фарзандим бор. Катта қизим ва ўғлим Ҳамза туманидаги 307-мактабда таълим олади. Қизим бадиий гимнастика, ўғлим шахмат тўгарагига қатнайди. Қизим Янги йил байрами тадбирларида иштирок этса, ўғлимнинг мусобақаси бор. Қолаверса, бири она тили ва адабиёт, бири табиатшунослик фанларидан умумтаълим фан олимпиадасининг мактаб босқичида ғолиб бўлди, олдинда туман босқичи турибди, унга тайёрланишлари керак. Бу галги таътилни режалаштирайлик десак, уларнинг бўш вақти деярли йўқ экан. Қолган озгина вақтда эса дам олишсин, дедик. Дадаси билан маслаҳатлашиб, пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" саройида бўлиб ўтадиган Янги йил байрами ва Бош майдондаги «Президент арчаси» тантаналарига олиб боришга қарор қилдик. Бироз аввал "Қобуснома" ва бир қанча эртак китоблар олиб бергандик, вақти-вақти билан уларни мутолаа қилишади.

"Таътилни яхши кўраман..."

— Таътил бошланишини интизорлик билан кутаман, — дейди 3-синф ўқувчиси Нодир Усмонов. — Янги йил арафасида бир-биридан қизиқарли мультфильмлар, байрам дастурларини кўрсатишади. Бу йил дадам бизни театрга олиб боришни ваъда қилдилар. Бу — энг яхшиси. Лекин... Ўқитувчимиз бир қанча уйга вазифалар бериб юборган. Она тили, ўқиш, математика, ҳатто расмдан ҳам дарс қилишим керак. Ўқиш бошланиши билан ҳаммадан бирма-бир сўраб олади. Шунинг учун тезроқ дарсларни бажариб қўйишни ҳам ўйлаяпман.

"Айрим болалар карра жадвалини билмайди..."

— Фарзандларим олий ўқув юртларида таҳсил олаётган пайтда ҳам уларнинг таътилда нималар билан банд эканлигига жиддий эътибор берардим. Она ва узоқ йиллик малакага эга педагог сифатида бу мавзу бўйича муайян тажрибам бор. Болалар таътилга чиқишидан олдин, унинг қанча давом этишини ҳисобга олиб, уйга топшириқлар бераман. Бошланғич синфда таълим-тарбия олаётган болалар табиийки, ўйинқароқ бўлишади. Мактабдан чиқиб таътилга ёки аксинча, таътил тугагач, ўқишга кўникиб кета олмай бироз қийналади. Фарзанди таътилга чиққач, болам ўқийвериб чарчаб кетди, энди дам олсин, деб унинг қўлига китоб тутмайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Бу — нотўғри тушунча. Ана шундай болалар таътил тугагач, дарсда ўтиргиси келмайди, мавзуга қулоқ солмайди ва тушунмаслиги оқибатида ўзлаштириши пасайиб кетади. Шундай вазиятнинг олдини олиш мақсадида, ўқувчиларнинг қандай ўзлаштираётганини ҳисобга олиб, болани ортиқча зўриқтирмайдиган вазифалар берган маъқул. Масалан, тўртинчи синфда ҳам математиканинг карра жадвалини тўлиқ ёд олмаган ёки саводи яхши чиқмаган ўқувчилар бўлса, уларга ушбу мавзуда қўшимча топшириқ бериш мумкин. Қолаверса, таътил пайтида ҳам синф раҳбарлари ота-оналар билан қўнғироқлашиб, уларнинг нима билан бандлигини назорат қилиши, вазифаларни тайёрлаши кераклигини эслатиб туриши мақсадга мувофиқ. Шунда ўз иши билан банд ота-она ҳам сергак тортади.

Пиротехник воситалар: улардан эҳтиёт бўлинг!

Қишки таътил бошқаларига қараганда бирмунча завқли. Ҳали оламни оқликка буркаб, қор пағаламаётган бўлса-да, атрофда қишнинг нафаси кезмоқда. Кўча-кўйда байрам шукуҳи. Ҳар қадамда шохларида ял-ял ёнаётган ўйинчоқларини кўз-кўз қилиб янги йил арчалари савлат тўкиб турибди. Эрта-индин ҳассасини дўқиллатиб уйимизга Қорбобо ташриф буюради. Уйда, кўчаларда байрам, кўнгилларда байрам! Бу хурсандчиликка болажонларнинг қувончи-ю завқи уланиб кетади.

Ҳар йили, айниқса, янги йил арафасида ўқитувчи-ю, ота-оналар, маҳалла фаоллари-ю, ички ишлар бўлими ходимлари — ҳамма-ҳамма бирдан сергак тортиб қолади. Чунки болалар бу вақтда пиротехника воситалари билан ўйнашга берилиши мумкин. Йилдан-йилга бундай воситаларга қарши кураш, турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Байрам олдидан жойларда, хусусан, мактаб ва маҳаллаларда тушунтириш ишлари, турли учрашув ва тадбирлар ташкил қилинаяпти.

Бу ҳақда Миробод тумани ИИБ ЁҲБ инспектори, сержант А.Тўраев шундай дейди:

— Болажонларнинг байрам ва қишки таътилни мазмунли ўтказишлари учун туманимиздаги барча таълим даргоҳларида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан юзма-юз учрашиб, ҳар хил мавзуларда суҳбатлар ташкил қилдик, савол-жавоб ва викториналар ўтказдик. Ҳар йили Янги йил байрами арафасида барчамизнинг диққат-эътиборимиз болаларни пиротехника воситаларидан эҳтиёт қилишга қаратилади. Айни пайтда ҳам республикамизнинг барча ҳудудларида пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, бу борада айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритилди. Жумладан, "Жиноят кодекси" ва "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс тегишли равишда 250-1 ва 185-1 "Пиротехника буюмларининг қонунга зид муомаласи" моддалари билан тўлдирилди ва бу жорий йилнинг сентябрь ойидан кучга кирди. Уларга мувофиқ пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, мамлакатимизга олиб кириш ёки ўтказишга доир ҳаракатлар маъмурий жавобгарлик билан жазоланиши назарда тутилган. Пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида турли нохуш ҳодисалар келиб чиқишини инобатга олиб, барча ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан боғланиб, кафолат хатлари олинди. Бу ота-оналар зиммасидаги масъулиятни ҳам янада оширади.

Таътил эндигина бошланди. Ҳали олдинда бажаришимиз лозим бўлган талайгина юмушларимиз бор. Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, ўйнаш, байрам тадбирларига ташриф буюриш...

Азиз ўқувчи! Байрам тадбирлари, қишки таътил мавсуми ҳам аслида сизнинг олган билимларингизни ва соғлигингизни мустаҳкамлаш учун ташкил этилади. Шу боис ундан имкон қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилинг. Шунда ўқиш бошлангач, сизга ишонч билдирган ўқитувчингизни ҳам, ота-онангизни ҳам хурсанд қилиб, доимо аълочилар сафида бўласиз.

Башорат ОТАЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

БАРМОҚЛАР РАҚСИ

Глиэр номидаги республика ихтисослашган мусиқа академик лицейига кириб борганимда ҳовлида мусиқа асбобларини авайлабгина кўтариб олган ўқувчиларни кўриб ҳавасим келди. Зинадан юқорилаб узун коридорга қадам қўйганимда эса эшиклардан турли мусиқа овозлари тараларди. Бирида скрипка, бирида виолончел, кимдир дирижёрлик қилиб бутун хорни бошқарарди. Яна бир залда қаҳрамонимиз Оқила Мирхўжаева пианинода бармоқлар рақсини ижро этарди. У бутун вужуди билан И.С.Бах ва Гайднинг «Соната»ларини маромига етказиб ижро этаётганида оқ ва қора клавишлар устида балерина гавдалангандек бўлди. Негаки, ҳар бир клавишида босилган «қадам» мусиқанинг профессионаллигини таъминлайди.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Олти ёшли пианиночи Оқила бор кучи билан мактабга муносиб мусиқачи бўлишга интиларди. Унга устози Гулижаҳон Ҳасанова меҳр билан ноталарни ўргата бошлади. Аввалига осон бўлмади, аммо чидам ва қунт билан ўрганиши, қолаверса, мусиқага бўлган қизиқиши уни юқорилашга ундади. Мусиқанинг сир-асрорларини ўрганишга бел боғлаганига тўрт йил бўлганига қарамай кўпгина ютуқларга эришиб келмоқда.

— Қачонки, мусиқани юракдан ҳис қилсангизгина маромида ижро этилади. Машғулот пайтида ҳаёлни жамлаб, эътиборни фақат ноталар ва қўл ҳаракатларига қаратиш лозим. Агар биргина нотада адашиб кетсангиз, балки баъзи тингловчиларга сезилмас, лекин ичингизда ғалаён кўтарилади ва бу ижрони якунлашингизга халақит беради, — дея фикр билдирди кичик «мусиқашунос» дўстимиз.

Ҳақиқатан ҳам мусиқа санъати идрок ва хотирага мутаносиб бўлиши керак. Ҳар бир ҳаракатни эсда қолдириш энг асосийсидир. Оқилада эса бу қобилият ёшлигидан намоён бўлган.

Оқиланинг онаси фарзандидаги мусиқага бўлган қобилият тарбияда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Мусиқа санъати билан шуғулланган ҳар бир шахсда, албатта ижобий хислатлар, сифатлар ортиб боради. Бу орқали унинг тарбияси ҳам ижобий тарафга ўзгаради. Иродали бўлиш, меҳнат қилиш ҳамда ҳар бир ишни режа асосида бажаришга ўргатади.

— Барча ўқувчиларимга бирдек қаттиққўл бўлишга ҳаракат қиламан. Оқила эса ёшлигидан тиришқоқлиги билан меҳримни қозонган. Ютуқлари ҳам секин-асталик билан юзага чиқмоқда. Барча болаларга бошиданоқ жуда қаттиқ шуғулланишлари кераклигини тушунтираман. Ва улар шунга қараб мослашади, — дейди ўқитувчи Г.Ҳасанова.

Мусиқани юрагига жо этган Оқила 2010 йили Грецияда **«The Muse Junior»** танловида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади. Дунёнинг турли мамлакатларидан дўстлар орттирди ва Ўзбекистон ҳақида уларга сўзлаб бериб, илиқ таассурот уйғота олди.

Ҳаммамиз ҳам мусиқа тинглаганда тўлқинланиб кетамиз. Ажиб туйғулар оғушига тушамиз. Беихтиёр ёшлигимизда бирор-бир мусиқа асбобини чалишни ўрганмаганимиздан афсусланамиз. Ҳеч бир яхши ишнинг эрта-кечи бўлмаганидек, бу борада ҳам ёшнинг аҳамияти йўқ. Кичик дўстимиз Оқила каби ёшларга эса изланувчанликни тилаб қоламиз. Зеро, биз ёшларнинг умумий шиоримиз ҳам изланувчанлик эмасми?!

Гулрух МЕНГЛИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ДИСК ЭМАС, КИТОБ АФЗАЛ

Fikr

Танишим фарзандининг туғилган кунида унга турк сериаллари жамланган диск совға қилганини айтиб қолди. Сериалнинг мазмунидан хабардор бўлганим сабабли, ҳайрон бўлиб: «Болангиз ўша фильмларни томоша қиладими?» деб сўрадим. «Ҳа, кун бўйи қимирламай томоша қилади. Бу менга ҳам яхши. Кўчакўйда юргандан кўра...» — деб жавоб берди у.

Наҳотки, боланинг уйда «михланиб» ўтириши учун турли-туман дисклардан фойдаланиш усули қулай бўлса?! Қизиқарли, сермазмун асарлар мутолааси хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, барчани ўзига ром қила олиши ҳам мумкин-ку.

Дарсларимда ўқувчилардан қандай китоблар ўқигани, охирги марта ўқиган асарлари ҳақида сўрашни канда қилмайман. Афсуски, саволларимга кўпинча қониқарсиз жавоб оламан. Чунки ўқувчилардан фақат тўрт-беш нафари Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асарини ўқиганини айтади, холос. Бошқалари эса жим. Бунинг сабабини сўрасам, дискларда тасвирланган турли фильмлар томоша қилиш уларга маъқул эмиш.

Инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши китоб мутолааси билан боғлиқ. Инсон ҳаётидаги иккинчи устоз, сирдош дўст, яқин маслаҳатгўй китоб бўлар экан, нега уларни бошқа нарса билан банд қилишимиз керак? Китоб ва китобхонликка бўлган эътибор эса шубҳасиз, биз кутган ижобий натижани беради.

Дилфуза АЛЛАЯРОВА,
Косон туманидаги 50-мактаб ўқитувчиси



Юнусобод туманидаги ахборот-ресурс марказида барча соҳаларга оид бадиий адабиётлар, энциклопедик луғатлар, аудиокассеталар, мактаб раҳбарлари учун илмий-услубий ва библиографик қўлланмалар мавжуд бўлиб, ундан нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки пойтахтдаги кутубхоначилар ҳам фойдаланиб келишмоқда. Ибратли ишлардан яна бири — туманда истиқомат қилаётган имконияти чекланган, якка тартибда таълим олаётган болалар рўйхати аниқланиб, уларга АРМ ходимлари бириктирилган. Яқинда мазкур марказда ТШХТББ методика

АРМ БАРЧА УЧУН ХИЗМАТДА

маркази ва ТХТБ билан ҳамкорликда «Мактаб ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда методистлар, АРМ ходимлари ва кутубхоначилар иштирок этиб, ўзлари учун зарур маълумотларни олишди. ТШХТББ Методика маркази методисти Дилором Юсупова мактаб АРМнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Бугунги семинар АРМ фаолиятини такомиллаштиришга қаратилгани бежиз эмас, — дейди Д.Юсупова. — Зеро ақл-заковатли, юксак маънавиятли, билимдон ўқувчиларнинг камол топишида кутубхонанинг роли катта. АРМда эса энг сўнгги маълумотлардан, республиканинг турли туманларидаги илғор тажрибалардан фойдаланиш, мафадан туриб ўқиш имкониятлари катта. Ҳар бир тумандаги АРМ ўз фаолиятини намунали йўлга қўйса, барча учун бирдек хизмат қилса, ўз вазифасини бажарган ҳисобланади.

Шунингдек, семинар иштирокчилари 51, 240, 273-мактаб кутубхоначиларининг «АРМда ўқувчининг ахборот олиш маданиятини шакллантириш», «Ўқув жараёнида мультимедианинг ўрни», «АРМда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш» мавзусидаги маърузаларни тинглашди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

E'tirof

Ҳозирда ёшларимиз орасида инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш катта.

Тил ўрганувчи болаларнинг ёшига, билим доирасига қараб мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари мавжуд. Техник воситалар, электрон дарсликлар, интернетдан фойдаланиб кўп маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Тошкент банк коллежида ҳам ўқувчилар инглиз тилини катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Дарслар давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилган. Ҳар бир дарсда янги педагогик технология усулларидан фойдаланамиз. Айниқса, чархпалак, ақлий ҳужум, муаммоли вазият, бумеранг каби усуллар самарали натижа бермоқда.

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

тил ўрганишни ривожлантиради

Дарслардан бўш вақтларда ўқувчиларимиз ўз устиларида мустақил ишлаш мақсадида коллеж кутубхонасидан унумли фойдаланадилар. Интернет тизимига уланган кутубхонада хорижий тилларга оид турли дарсликлар билан бирга, электрон қўлланмалар ҳам мавжуд. Бу воситалар ўқувчиларнинг тил ўрганишини ривожлантирмоқда.

Шаҳло КАРИМОВА,
коллеж ўқитувчиси

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги М.Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежида «Ҳамширалик иши» мутахассислик фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар ўртасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг коллеж босқичи ўтказилди.

— Тадбир мазкур танлов юзасидан ишлаб чиқилган Низом асосида олиб борилди, — дейди директорнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Саида Боирова. — Дастлаб ҳакамлар ҳайъатига қон кетишда шошилинч ёрдам кўрсатиш, фуқаролар муҳофазаси воситалари, бронхиал астма хуружида биринчи ёрдам, травматик шокда биринчи ёрдам кўрсатишга доир йиғилган материаллар тақдим қилинди.

Шундан сўнг коллеж ўқитувчилари — Назиҳа Абдуллаева, Муҳайё Ибрагимова, Бекзода Имомова, Муаззам Мўминова, Нигора Пармонова ғолиблик учун баҳсга киришишди. Таништирув шарти орқали ҳар бир иштирокчи ўз фаолияти, илм масканидаги ўқув шароитлари тўғрисидаги маълумотларни шеърий чиқишлар орқали намойиш этишди. Иккинчи шартда касбий фаолиятга оид вазиятли масала бўйича саволларга жавоб беришди. Навбатдаги шартда ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги баҳоланди. Иштирокчиларнинг биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича тезкорликлари тўртинчи шартда маълум бўлди. Эркин мавзу бўйича ўқитувчилар саҳна кўринишлари намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра, катталарда ҳамширалик парвариши кафедраси ўқитувчиси Бекзода Имомова биринчи ўринга сазовор бўлди.

А.ҚОБИЛОВ,

Суратда танловдан лавҳалар акс этган.
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

...Hammamiz bola bo'lganmiz. Archa atrofida qo'l ushlashib qo'shiqlar aytib, topag'onligimiz, hozirjavobligimiz bilan Qorboboning hadyalarini olishning katta hayajonlarini tuyganmiz.

ТАНИШИНГ, КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Якунланиб бораётган «Баркамол авлод йили»да ҳам республикамизда катта-кичик тадбирлар, мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказилди. Таълим муассасалари ходимлари ўртасида ўтказилиб келинаётган анъанавий кўрик-танловлар шуниси билан аҳамиятлики, қуйи бўғинда бошланиб, якуний босқичга қадар бўладиган беллашувларда илғор тажрибалар аниқланади ва уларни оммалаштириш чора-тадбирлари белгиланади.

«Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари», «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси», «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловларида таълим ходимлари, зиёлилар фаол иштирок этишдики, бу улар меҳнат қилаётган даргоҳда замон билан ҳамнафаслик муҳити ҳукм сураётганидан, иш мазмуни ва самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинаётганидан далолат беради. Ана шу кўрик-танловлар ғолиблари билан танишинг.

Sarhisob

Чиннихон ТУРДИМАТОВА, «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси» кўрик-танловининг олий ўрин соҳибаси, Қувасой шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси:

— Замонавий кутубхонада фаолият кўрсатишнинг биринчи талаби — электрон каталоглар билан ишлашни билиш лозим. 2008 йили вилоят ахборот-ресурс марказида бир неча ҳафта ўқиб, электрон каталогни яратиш, китобхонлар учун электрон формулярни вужудга келтириш, корпоратив АРМнинг автоматлаштирилган тизими, умуман, замонавий ахборот тизимлари билан ишлаш сирларини ўргандим. Ана шу билим ва кўникмаларим туфайли бу йил ўтказилган кўрик-танловда ғолиб бўлдим.

Шаҳримизда жойлашган мактаб кутубхоначилари иштирокида «Кутубхоначилик дарслари»ни мунтазам ўтказиб турамиз. Ҳамкасбларимга таълим-тарбия жараёнини янгилаш ва такомиллаштиришда кутубхоналардан фойдаланиш, китоб фондини ошириш, кўргазмалар тайёрлаш, энг муҳими, болаларни китобхонликка қизиқтириш каби масалалар юзасидан янги маълумотлар бериб бораман. Уларнинг малака оширишларини таъминлаш мақсадида кутубхоналарга тез-тез экскурсия ҳам уюштирилмоқда.

Сафархол ТУРСУНОВА, «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси» кўрик-танлови 1-ўрин соҳибаси, Термиз шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби кутубхоначиси:

— 22 йилдан буён мактаб кутубхонасида фаолият юритиб келаман. Шу йиллар мобайнида ёшларимиз, маҳалла аҳлини китобхонликка қизиқтириш борасида тажриба тўпладим. Билганларимни шогирдларим билан баҳам кўраман, ўзим ҳам китобхон болалардан янги-янги маълумотлар оламан. Таъкидлаш жоизки, мактабимиз ўқувчилари туманда ўтказилиб келинаётган «Китобхон», «Саводхон», «Китобсеварлар», «Энг фаол китобхон» каби тадбирларда доимо ғолибликка эришмоқдалар.

Мактабда «Муқовалаш» тўгарагини ташкил этганмиз. Тўгарак аъзолари эскирган китобларни таъмирлаш, бутлаш баҳонасида янги адабиётлар, газета ва журналлар билан танишиб борадилар. Ёшларни Ватанни севишга, одобли-ахлоқли бўлишга, китоб мутолаа қилишга ундовчи турли семинар, учрашув ва бадиий кечаларни кутубхонада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Одина ШОҚОСИМОВА, «Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари—2010» республика кўрик-танлови 1-ўрин соҳибаси, Наманган вилояти ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази таркибидаги «География ўлкашунос» тўгараги раҳбари:

— Бундай тадбирларда аввал ҳам иштирок этганман. Кўрик-танловнинг республика босқичида 13 нафар тўгарак раҳбари олтита шарт, яъни машғулот ўтиш, педагогик технологиялардан фойдаланиш, тест, сайёҳлик анжомларини топиш, тўгарак фаолиятидан саҳна кўриниши тайёрлаш ва эркин мавзуларда беллашишлари лозим бўлди. «Ўлкашунослар» тўгараги аъзолари иштирокида намойиш этган саҳна кўринишимиз томошабинларга, ҳакамлар ҳайъатига маъқул келди.

Учқўрғон туманидаги 23-умумтаълим мактаби ҳудудида 6х6 метр ҳажмда география майдончасини ташкил этиб, уни флюгер, осадкамер, метрологик бурчак, гном таёқчаси билан бойитдик. Айни пайтда «Ўлкашунослар» тўгараги аъзолари билан машғулотлар ўтказиб, яқинда бўладиган вилоят семинарига тайёргарлик кўряпмиз.

Комила ТОЖИМАТОВА, «Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари—2010» республика кўрик-танловининг 2-ўрин совриндори, Асака туманидаги ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг зардўзлик тўгараги раҳбари:

— Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида фаолият юритаётганимга эндигина уч йил бўлди. Шундай бўлса-да, устозларим ўгити ҳамда меҳнатим натижаси ўлароқ, танловда юқори ўринлардан бирини қўлга киритдим. Илгари нимча қиз-жувонларнинг эгнидан тушмайдиган либосларидан бири бўлган. Қиш мавсумида ўзгача, ёзлик алоҳида нақшинкор нимчалар тикилган. Мен ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда янгича безак берилган нимча тикиб, кўрик-танловда намойиш этдим. Замонавий дизайнда яратган миллий нимчам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ниятим, аждодларимиздан бизга қадар етиб келган кўҳна ва замонавий қадрият — зардўзликни фарзандларимизга пухта ўргатиш. 2011 йилнинг Президентимиз ташаббуслари билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши қадим-қадимдан давом этиб келаётган халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ривожлантиришга, такомиллаштиришга хизмат қилибгина қолмай, бу қадриятларнинг ёшлар томонидан ўзлаштирилишига ҳам шарт-шароит яратади.

Тўхтахон РАҲИМОВА, «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови ғолиби, Наманган туманидаги «Истиқлол» уй-музейи раҳбари:

— Хурсандман. Бу танловда илк маротаба иштирок этишим. Мен яшайдиган Шўрқўрғон қишлоғи аҳолиси илм-маърифатга, маънавият сарчашмаларига жуда қизиқишади. Ана шуни ҳисобга олиб, 10 йил аввал «Истиқлол» номли уй-музейни ташкил этдик. Хонадонимизда ташкил этилган ушбу музей қошида 7 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси мавжуд. Музейимиздан халқ амалий санъати намуналари — қадимий кулолчилик буюмлари, либослар, рўзғор анжомлари ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари фотосуратлари ўрин олган. «Ўзбекона хона»га кирган ёшлар ота-боболаримиз яшаган шарт-шароит билан яқиндан танишишлари мумкин.

Музей ва кутубхонада маҳалла оқсоқоллари, педагог ҳамда ёшлар билан ўтказиладиган семинар-учрашувларда аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлардан фойдаланамиз. Фарзанд тарбияси ва камолотида муҳим қадрият бўлмиш алла, эртак ва ривоятларни янада оммалаштириш тарафдориман. Кўрик-танловда биз ўтказаётган тадбирлар, елиб-югуришларимиз эвазига очилган кутубхона алоҳида эътироф этилди, бу — бизнинг ютуғимиз.

Баҳодир ШОКИРОВ,
Норқувват ТЎРАЕВ,
Ориф СИДДИҚОВ,
Пўлат ҲАМДАМ,
Камола НОСИРОВА,
Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Kasaba uyushmalarida

ҚОРБОБОНИНГ ТАШРИФИ...

Йўқлов ҳамиша қалбларни қувонтиради. Гарчанд ҳеч недан камингиз бўлмаса-да, кимларнингдир йўқлаб туришига юрагингизнинг туб-тубидан эҳтиёж сезиб турасиз. Айниқса, меҳнатларингиз эътироф этилиб, жамоангиздан эшигингизни қоқиб келишса, хизматларингизнинг бу рағбатидан дилингиз сурурларга тўлади ва беихтиёр «Бекорга ишламабман...» деган ҳисдан яйраб кетасиз. Ана шу шукроналикни эртанги муваффақиятларнинг ибтидоси, десак муболаға бўлмас.

Таъбир жоиз бўлса, барча меҳнат жамоалари, жумладан, таълим муассасалари аҳлини ўз атрофига бирлаштириб турувчи бошланғич касаба уюшма ташкилотлари маълум маънода биз юқорида тилга олган вазифаларни адо этиб боради. Ўз аъзоларини ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, турли муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб бориш ташкилотнинг асосий йўналишлари сирасига киради.

Оққўрғон туманидаги 1-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Исломжон Раҳмонов ҳам қатор йиллардан буён билим даргоҳининг бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси, таълим ва фан ходимлари Оққўрғон туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раёсатининг аъзоси сифатида сидқидилдан фаолият юритиб келмоқда.

— Аввало, ташкилот раиси уюшманинг жамоадаги ўрнини тўғри белгилай билмоғи керак, — дейди у. — Мактабда бу мавқе ўқитувчилар билан муассаса маъмурияти ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қила бориш, оқилона муносабатларнинг қарор топишига хизмат қилади. Бу жараёнда юзага келадиган вазиятларнинг ўз вақтида ва одилона бартараф этилиши жамоада соғлом турмуш тарзининг ҳукм суриши, айни пайтда таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига замин яратади. Шунингдек, ўқитувчилар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини муҳофаза қилиш, дам олишларини таъминлаш ҳам ташкилотнинг доимий эътиборида.

Дарвоқе, мактабда дарс тақсимотининг тўғри белгиланиши борасида туғиладиган айрим масалалар борки, бунда албатта, ташкилот тарафларнинг манфаатларини бирдек инобатга олиб давр талаблари, қонунийлик, айни пайтда инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиб ҳал этмоғи жоиз.

— Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, ўқитувчи кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлиши мумкин, лекин мутахассислиги дарс бераётган фанига тўғри келмайди ёки олий маълумотга эга ёш мутахассис билан қатор йиллар фаолият юритгану, ўрта махсус билим даргоҳини тугатган ўқитувчига дарсларнинг тақсимланишида зиддиятлар пайдо бўлади, — дея суҳбатимизни давом эттиради И. Раҳмонов. — Шундай кезларда ташкилот раисининг ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган қарорлар, меъёрий ҳужжатларни яхши билиши талаб этилади.

Мана, янги йил ҳам эшик қоқмоқда. Ана шу арафада ташкилот раисларининг ташвиши янада ортади. Фахрий ўқитувчиларни қутлаб бориш, кам таъминланган оилалар фарзандларига совға-саломлар тайёрлаш, мактабда ўтказиладиган Янги йил тадбирларига ҳозирлик кўриш... Исломжон Раҳмонов ҳам ташкилот аъзоларининг ҳар бирига тегишли шу мақсадларга йўналтирилган вазифаларни тақсимлаб берган. Кимдир мактабларида ташкил этилган Анорбой Турсунбоев раҳбарлигидаги «Қувонч» бадиий ҳаваскорлик дастаси чиқишларига масъул. Яна кимдир аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш масалаларига жавобгар. Ўзи эса ҳудуддаги «Қаҳрамон» деҳқон фермер хўжалиги уюшмаси билан келишиб, 1—4-синф ўқувчилари учун Қорбобонинг совғаларини ҳозирлашмоқда. «Фазилат» фермер хўжалиги раиси Очил Шоназаров, «Ш-Муҳаммад» фермер хўжалиги раиси Шарофиддин Юнусов, «Баҳром» фермер хўжалиги раиси Баҳром Абдураупов болажонлар учун махсус туҳфалар тайёрлашмоқда.

...Ҳаммамиз бола бўлганмиз. Арча атрофида қўл ушлашиб қўшиқлар айтиб, топағонлигимиз, ҳозиржавоблигимиз билан Қорбобонинг ҳадяларини олишнинг катта ҳаяжонларини туйганмиз. Бунга эришмоқ учун ёд олган шеърларимизни такрор-такрор ўқиганмиз. Ўрганган рақсларимизни аввало, онажонларимиз кўригидан ўтказганмиз. Янги йил бизга ана шундай бахтиёрликлар улашган. Бугун ҳам шундай. Қорбобонинг ташрифларида ташкилотнинг ташкилотчилиги, ўз аъзоларига ғамхўрлиги, эътибори мужассам.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
"ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

жамоаси
барча юртдошларимизни

Янги — 2011 йил

билан самимий муборакбод этади!
Тарих саҳифаларига битилаётган «Баркамол авлод йили»да Республикамиз умумтаълим мактабларини замонавий услубларда жиҳозлашда, болажонларимизни дарсликлар, ўқув-қўлланмалари, иссиқ кийим-кечаклар билан таъминлашда бизга яқиндан кўмак берган барча хусусий тадбиркорлар, ишлаб чиқариш фирмалари жамоаларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да уларга янада улкан зафарлар тилаймиз.

Барчага Янги йил муборак бўлсин!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Мамлакатимиз аҳолисини, юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар ва сайёҳларни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларни, кексалик гаштини сураётган ўқитувчи-профессорларни, университетимизда талабаларга узоқ йиллар таълим берган муҳтарам академик олимларимизни

ЯНГИ – 2011 ЙИЛ БИЛАН

қутлаймиз!

Муҳтарам юртдошлар, азиз ҳамкасблар!

Янги йилда Сизларга бахт ва шодлик доимий ҳамроҳ бўлсин. Мамлакатимиз фаровонлиги, илм-фан ривожи йўлидаги машаққатли ишларингизда доимо зафарлар ёр бўлсин!

O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» барча мижозларини, акциядорларини, ҳамкорларини ва юртдошларимизни

Янги йил

байрами билан табриклайди!

Янги йил сизга бахт-иқбол, хонадонингизга файз-барака, юртимизга хотиржамлик ва фаровонлик олиб келишини тилаб қоламиз!



Вақт давомида синалган ишонч! **www.uzpsb.uz**

"MA'RIFAT" — 2010

Ҳурматли газетхон, азиз ўқитувчи-педагоглар. Эътиборингизга газетада 2010 йил давомида эълон қилинган энг сара материаллар мундарижасини ҳавола этаяпмиз. Сиз келаётган йилда ҳам ушбу расмий ҳужжатлар ва методик тавсия ҳамда долзарб мавзудаги материаллар орқали ишингизни тартибга солиб, дарсларингизни бойитишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йилда газетанинг ўқишли ва мазмунли чиқишида ўз ҳиссасини қўшиб, "Фаслнинг энг яхши ижодкорлари" танлови номинацияларида ғолиб бўлган ижодкорларнинг мақолалари ҳам Сизни бефарқ қолдирмайди, албатта.

ЯНВАРЬ

Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини ўрганиш юзасидан ўқувчилар билимига қўйиладиган талаблар. (Республика таълим маркази, 6 январь)

Ҳаваскорликдан даҳоликкача (Наргиза Иброҳимова, 9 январь).

«Ёш полвонлар» тўгараклари ҳақида"ги Низом. (9 январь)

«Сиз полвонларни биласизми?» республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлариаро танлов Низоми. (9 январь)

Алоқа тарихи музейи: у ерда бўлганмисиз? (Санобар Жуманова, 16 январь)

Уяли алоқа воситаси

у ўқувчи учун зарурми?(Н.Очилова, 20 январь)

Саккизинчи нота

ёки юракка элтувчи йўл. (Зоҳиджон Холов, 27 январь)

Спорт ойликларини ўтказиш тартиби. (Республика таълим маркази, 27 январь)

"Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир".

Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси (30 январь)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" давлат дастури тўғрисида"ги Қарори. (30 январь)

Илм-фан: энг аҳамиятли ўнталик эътирофи. (Наргиза Иброҳимова, 30 январь)

ФЕВРАЛЬ

Очилмаган китоблар сири. (Наргиза Иброҳимова, 3 февраль)

Сўзни жаҳон бағрида дурдона бил. (Г.Зиёдуллаева, 6 февраль)

Қўлдаги ўйинчоқ

бола келажагини белгилайдими? (Т.Иброҳимов, 6 февраль)

Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома. (17 февраль)

Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги махсус комиссиянинг ваколатлари. (17 февраль)

Дурдона таълим даргоҳлари. (Наргиза Иброҳимова, 20 февраль)

Сув остидан топилган «компьютер» (Наргиза Иброҳимова, 27 февраль)

МАРТ

Педагогик тажриба-синов ишлари: уларга қўйилган илмий талаблар қандай? (Раҳматулла Мусурмонов, 3 март)

Орқа парта: ўқитувчи назоратидан "пана" ҳудудми? (Абдунаби Абдиев, 3 март)

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олувчиларни синфдан синфга кўчириш муваққат тартиби. (10 март)

Якуний давлат аттестацияси ва босқичли назорат имтиҳонлари ўтказувчи имтиҳон комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ-вазифалари. (10 март)

Ўқув фани бўйича имтиҳон комиссияси раисининг ҳуқуқ-вазифалари. (10 март)

Ёруғлик таъсири ёки инсоннинг биоаурасининг ранги борми? (Наргиза Иброҳимова, 10 март)

Квант компьютерлар:

хаёлий ғоядан реалликка қараб. (Наргиза Иброҳимова, 13 март)

Баркамоллик — пойдевор, баркамолик — тараққиётга қанот. (Саиджон Махсумов, 13 март)

Халқ ўйинлари миллатни улғайтиради. (Зоҳиджон Холов, 17 март)

Швецияда таълим: мутаносиблик, ҳамкорлик ва янгиланиш асосида кечади. (Шаҳина Жўраева, 24 март)

АПРЕЛЬ

«Қишлоқ жойлардаги болалар объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. (3 апрель)

"Менинг мактабим — менинг фахрим": фарғоналик педагогларнинг янги ташаббуси. (Баҳодиржон Шокиров, 7 апрель)

Чап қўл феномени. (Наргиза Иброҳимова, 10 апрель)

Бола «мен»и — ғурури. (Дилшод Каримов, 14 апрель)

Ахборотлашган жамиятда интернет. (Фарида Раҳимова, 17 апрель)

«Войнич қўлёзмаси» сирли китобни ўқишнинг уддасидан чиқиладими? (Наргиза Иброҳимова, 28 апрель)

МАЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. (8 май)

Хавфсизлик ва мультфильм: бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. (Санобар Жуманова, 12 май)

Шахсга йўналтирилган таълим

ўқувчи интеллектуал қобилиятини ривожлантириш омили. (Раҳматулла Мусурмонов, 19 май)

Устоз-шогирд:

анъананинг янги қирраси. (Санжар Рустамов, Башорат Отажонова, 22 май)

Симсиз кувватловчи технология

муҳандисларни ҳам ҳайратда қолдирмоқда. (Наргиза Иброҳимова, 26 май)

Баркамоллик тимсоли. (Абдулла Тангриев, 27 май)

ИЮНЬ

Буюртмали малака ошириш

педагогнинг касбий эҳтиёжларига хизмат қилади. (тавсия, 5 июнь)

Меҳнат — тарбия воситаси

мактабгача ёшдаги болада илк меҳнат кўникмалари қандай шакллантирилади? (З.Файзиева, 5 июнь)

Чанг. (О.Очилова, 12 июнь)

Реклама — боланинг ахборот манбаси(ми?) (Санобар Жуманова, 16 июнь)

Қишлоқ муаллими ташаббуси унда эзгулик қудрати намоён. (Феруза Тангриберганова, 19 июнь)

ИЮЛЬ

Халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари шўъба йиғилишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тавсиялар. (1 июль)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" Қарори. (3 июль)

Олти ёшдан мактабга: бу имконият синов орқали қўлга киритилади. (Башорат Отажонова, 3 июль)

Парето қонуни:

оламдаги уйғунлик нисбати. (Наргиза Иброҳимова, 3 июль)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони. (7 июль)

5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом. (10 июль)

Мустаҳкам оила

у қандай барпо этилади? (З.Рустамова, 14 июль)

Най. (О.Очилова, 17 июль)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Навоий)* (21 июль)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. (24 июль)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. (Андижон) (24 июль)

Синиқ чизиқлардаги бутунлик. (Зоҳиджон Холов, 24 июль)

Тиббий психологик комиссиялар тўғрисидаги Низом. (28 июль)

Музқаймоқ фойдалими ёки... (Т.Иброҳимов, 28 июль)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. (Наманган) (31 июль)

Ген муҳандислиги:

келажак тиббиёти имкониятларни кенгайтира оладими? (Наргиза Иброҳимова, 31 июль)

АВГУСТ

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Фарғона)* (4 август)

Ўзбеклар — меҳрли халқ. (Рахшона, 4 август)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Қашқадарё)* (7 август)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Бухоро)* (11 август)

Умумий ўрта мактаблар бошланғич синф ўқитувчиларининг намунавий йиллик иш режаси. (11 август)

Умумий ўрта таълим мактаблари фан ўқитувчиларининг намунавий йиллик иш режаси. (11 август)

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома. (11 август)

Киберспорт спортга қарши. (Санобар Жуманова, 14 август)

Дераза ортидаги дунё. (О.Очилова, 14 август)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Тошкент вилояти)* (18 август)

Пул, даромад ва харж: бола у ҳақда нималарни билиши керак? (С.Муллаева, 18 август)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Қорақалпоғистон)* (21 август)

Само узра кезар «Самарқанд». (Шаҳина Жўраева, 21 август)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Жиззах)* (25 август)

Таътил қандай ўтди, болажон? (Ф.Жалилова, 25 август)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. *(Самарқанд)* (28 август)

Дутор. (О.Очилова, 28 август)

СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мустақилликнинг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. (1 сентябрь)

Бахтин кўринг, Ўзбекистон боласин. (О.Очилова, 1 сентябрь)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. (Хоразм) (4 сентябрь)

Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисидаги Низом. (4 сентябрь)

«Дедал» лойиҳаси ёки юлдузлар сари илмий саёҳат. (Наргиза Иброҳимова, 4 сентябрь)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. (Сирдарё) (8 сентябрь)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори. (15 сентябрь)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. (Сурхондарё) (15 сентябрь)

Ma'rifat-Metodist. *(2-илова):* "Дарс кузатиш ва унинг таҳлили", "Умумтаълим мактабларида методик фаолиятни ташкил қилиш", "Тақвим-мавзу режаси ва дарс ишланмаси", "Она тили таълимида ватанпарварлик тушунчаси" (И.Зокиров, У.Асронова, И.Маннопова, М.Абдураимова, 18 сентябрь)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. (22 сентябрь)

Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида. (Тошкент шаҳри) (22 сентябрь)

Генетика фани: юртимиз олимлари томонидан бу соҳада йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. (Б.Фазлиддин, 22 сентябрь)

Олтин. (Зоҳиджон Холов, 22 сентябрь)

Касб-ҳунар инсон зийнати. (Ш.Жавлонов, 30 сентябрь)

ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни. (6 октябрь)

Дарсликлар таъминоти: эришилган муваффақият ва навбатдаги вазифалар. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси Ижрочи дирекцияси, 9 октябрь)

Қуёш энергияси — тадқиқот манбаи. (Ҳ.Тўйманова, 13 октябрь)

ДТС ва ўқув дастурлари: оптималлашув ўқувчининг ўзлаштириш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. (Санжар Рустамов, 13 октябрь)

Чекувчи «кўрқоқ»ми? (Ж.Қутбиддинов, 16 октябрь)

Биологик ёқилғи муаммоси

тез орада ўз ечимини топади.(Наргиза Иброҳимова, 16 октябрь)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашидан. (23 октябрь)

Талабаларга солиқ имтиёзлари

у амалиётга қандай татбиқ этилмоқда. **(**Қ.Матқурбонов, 23 октябрь)

Замонавий фан ва технологияларни ривожлантиришда магнетизмнинг ўрни. (О.Қувондиқов, 23 октябрь)

Дарс таҳлили: унда нималарга эътибор бериш зарур? (Нилуфар Йўлдошева, 27 октябрь)

Ижобий ва салбий тушунча тафовут унутилиши мумкин(ми?) (F. Ўнаров, 27 октябрь)

Вақт ва тезлик:

азалий тушунчаларнинг янгича талқини. (Висола Қаршибоева, 27 октябрь)

Илиқ муносабатлар — ёркин келажак асоси. (В.Қаршибоева, 30 октябрь)

Оила — миллат кўрғони. (Ҳ. Карвонли, 30 октябрь)

Рубоб (О.Очилова, 30 октябрь)

МУНДАРИЖАСИ

Ўқувчи дафтари: муаммо ва ечим. (Башорат Отажонова, 30 октябрь)

НОЯБРЬ

Мактаб ошхонаси: янгича талаб ва мезонлар. (3 ноябрь)

Фарзандингизни биласизми? (М.Латипова, 3 ноябрь)

Тест саволлари

ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. (Барножон Отаниёзова, 3 ноябрь)

Гелиоэнергетика:

тадқиқотлар, натижалар ва истиқбол. (Наргиза Иброҳимова, 10 ноябрь)

Боланинг тартибли овқатланишига ким масъул? (Б.Тошниязов, Б.Раҳимова, 10 ноябрь)

Тоғрайҳон, қўзиқулоқ, мармарак...

Она заминимизда ўсадиган бу каби ўсимликлардан саратонга қарши фойдаланиш мумкин, — дейди ёш олима Нилуфар Мамадалиева. (Дилфуза Тошкенбоева, 10 ноябрь)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори (13 ноябрь)

Кечириш — ғолиблик аломати. (О.Очилова, 13 ноябрь)

Замаҳшарий маърифати. (Сафо Матжонов, 16 ноябрь)

Пара-гипер-«бола»лар ва эллипс:

улар математикага қаердан келган? (Санобар Жуманова, 17 ноябрь)

МТМ таомномаси: у қай тартибда тузилади? (Башорат Отажонова, 24 ноябрь)

Ибогул. (О.Очилова, 24 ноябрь)

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш тартиби. (27 ноябрь)

ДЕКАБРЬ

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия. (1 декабрь)

Оптималлаштирилган мавзулар

ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширади. (Аброр Умарқулов, 1 декабрь)

Улар—Ўзбекистон фарзандлари. (Шерали Нишонов, 1 декабрь)

Марс — ечими кутилаётган жумбоқ. (Наргиза Иброҳимова, 4 декабрь)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати. (4 декабрь)

Дунёга бўйлаётган таълим. (Михли Сафаров, 15 декабрь)

Ma'rifat-Metodist. (3-илова):

"Педагогларнинг иш тажрибалари қандай оммалаштирилади: йўналиш, шакл ва усуллар", "Тест тузишни биласизми?", "Очиқ дарслар фестивали: унда ўқитувчининг иш тажрибаси атрофлича ўрганилади". (У. Асронова, Н. Турдиев, Б. Тошниязов, А. Нуркулов, 15 декабрь)

Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи. (15 декабрь)

Адабиёт дарсларида интерфаол усуллар. (О.Мусурмонқулова, 18 декабрь)

Нанотехнология бўйича янги кашфиётлар

юртимиз ёш олимлари тадқиқотлари натижасида яратилажак! (Дилфуза Тошкенбоева, 18 декабрь)

«Ёмғир томчилари» мамлакати таълими. (Бахтиёр Иброҳимов, 18 декабрь)

ТАҲРИРИЯТ

"Ma'rifat" газетасининг "Фаслнинг энг яхши ижодкорлари" танлови номинациялари


Қиш

Баҳор


Ёз

Куз

ҒОЛИБ МАҚОЛАЛАР ВА МУАЛЛИФЛАР

"Энг яхши мақола"	Маънолар хазинаси. (06.02.10) Каромат Муллахўжаева	Мультфильмлар болаларни фақат эзгуликка ундасин (10.04.10) Шаҳноза Акрамова	«Боланинг бегонаси бўлмайди» (24.07.2010) Абдухалил Мавруловв	Фарғона тажрибаси: мактаб иши умухалқ ҳаракатига айланмоқда (16.11.2010) Б.Ёқубов, Б. Шокиров
"Оригинал бир соатлик дарс"	Квадрат тенглама шеърий масалаларда (27.01.10) Нормурод Қурбонов	Математика ва физика: туташ нуқтани топинг (03.03. 2010) Бахти Холматова	"Миллий мерос нима" (20.02.2010) Гулбаҳор Саримсоқова	Мураккаб мавзу: уни ўқитишда нималарга эътибор қаратиш лозим? 30.10.2010 Г.Шоисаева
"Сермазмун саҳифа"	Қорбобо ва қорқиз янги мактабларда. (30.12.09) Ҳаким Жўраев, Сора Тошева, Абдусаттор Содиқов, Райхона Хўжаева, Феруза Тангриберганова	«Ma'rifat» маҳорат мактаби рукни остидаги туркум мақолалар. (15.03. 2010) Севара Мусаева, Шаҳрибону Имомова, Ирода Намозбоева, Зилола Худойбердиева	Таълим-тарбия— истиқлол кўзгусида (21,24,31.07— 04,07,11, 18,21,25,28.08.2010) Ҳ.Тўйманова, Б.Ёқубов, О.Очилова, С.Рустамов, Ғ.Баҳромов	«Ma'rifat»га мактублар (24.11.2010) Ҳ.Тўйманова
"Энг яхши очерк ёки эссе"	Эзгуликка ошно кўнгил. (20.02.10) Очил Пардаев	Дарахт одамнинг дардини олади (29.05.2010) Элмурод Нишонов	"Ваъда" (21.07.2010) Ойбуви Очилова	Очиқ осмон остидаги китоб (20.10.10) О.Очилова
Педагог-муаллифнинг долзарб материали"	Иш юкламасининг моҳияти ёхуд маданият манзилига олиб борувчи йўл. (23.12.09) Муҳаммад Маматвалиев	Бўш ўзлаштирувчи ўқувчи: у билан қандай ишлаш зарур? (24.03.10) Қаҳрамон Сафаров	Замонавий фан ва технология ривожида магнетизмнинг ўрни (11.08.2010) Облоқул Қувондиқов	"Математика ва геометрия" (03.11.2010) М.Мирзаахмедов
"Қизиқарли интервью, суҳбат»	Боланинг бўш вақти бўлмаслиги керак. (24.02.10) Соҳиба Муллаева	Болаларга берайлик... китобни! (12.05.10) Даврон Ражабов, Ҳусан Нишонов	Электрон ахборот-таълим ресурслари: қулай, афзал ва самарали (05.06.2010) Санжар Рустамов	Фарзандларимизга от минишни ўргатайлик (23.10.10) Ш.Нишонов
"Жозибали сурат"	Ҳар бир бола — ўзгача олам. (03.02.10) Бурҳон Ризоқулов	Обод юрт байрами. (24.03. 2010) А. Ҳайдаров, З. Холиқов	«Амалиёт мазмунли ўтди» (31.07.2010) Темур Мамадаминов	Куз — янги тонгдан нишона (3.11.2010) Н.Боймуродова, Ё.Шамсиддинов
"Самарали методик материал"	Маънавият камалаги: мазкур дастур фаолиятимизга мазмун бағишламоқда. (23.12.09) Шаҳло Раҳмонова	Ўқишнинг тезлик ва сифати: уни қандай ошириш мумкин? (03.03.10) Муқаддам Болтаева	«Тарбияда фаол учлик» (25.08.2010) Олимжон Севаров	Самарали педагогик усуллар қисқа муддатда кўп маълумот олиш имконини беради (10.11.10) С.Низомова
"Тарбияга оид амалий таклиф"	Боладаги илк ташаббус: улкан ишларга қодир. (06.02.10) Зилола Рустамова	Болангиз мурувватини қачон шакллана бошлашини биласизми? (17.04.2010) Зилола Рустамова	Сиз мажлисга бордингизми? (18.08.2010) Замира Азимбоева	Бола тарбияси: унда савдо маданияти ва оила ибратининг ўрни муҳим (15.09.2010) Ф.Холмуродова
"Ўқишли бадиий асар"	Сандал дардманга даво, меҳр-муҳаббат ўчоғи экан. (16.01.10) Ҳулкар Ражабова	Баҳорги удум. (24.03.2010) Ҳулкар Ражабова		Бир умрлик рағбат (ҳикоя) (09.10.10) Б. Жалолов
"Воқеликка муносиб шарҳ"	Беҳаловат курраи замин ёхуд зилзила бўлишини олдиндан аниқлашга қачон эришилади? (16.01.10) Наргиза Иброҳимова	Вулқонлар: ҳали очилмаган жиҳатлар талайгина. (21.04. 2010) Саиджон Махсумов	"Улкан адрон коллайдери борлиқнинг яралишига ойдинлик киритадими?" (18.08.2010) Наргиза Иброҳимова	Графен: физика фани янги кашфиётлар остонасида (03.11.2010) О.Қувондиқов, Э.Арзиқулов
"Ўзига хос янгилик"	Фидойи ёшлар клуби — энг яхши ғоялар, лойиҳалар пойдевори. (06.02.10) Хайрулла Ҳикматов	Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари. (21.04.2010) Мадина Тоғаева	Дарсликлар ижара тизимида янгилик. (04.08.2010) Бахтиёр Ёқубов	Кашфиёт (9.10.2010) Ф.Тангриберганова
"Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши"	Эртак эмас экран қаҳрамонларига эргашаётган болалар. (20.02.10) Саидаҳрор Ҳолсаидов	Ҳалокат нафаси: нажот нимада? (05.05.2010) Висола Қаршибоева	"Бағрикенг юртда бола ўксимайди" (25.08.2010) Зилола Худойбердиева	Кийимга қараб муомалами? (10.11.2010) С.Мамадиёрова
"Энг сара таржима материали"	Дунёни уч ярим марта яёв кезганда. (10—17.02.10) Рахшона Тошпўлатова	Сассиз куй. (26.05.2010) Акбар Раҳматов	Болажон сени нега ураман? (09.06.2010) Фароғат Жабборова	
"Мазмунли таълимий бошқотирма"	"Радиус" кроссворди. (30.12.09) Комрон Қурбонов		«Жаҳон футболи» айланма бошқотирмаси (19.06.2010) Фозилжон Орипов	
"Ҳозиржавоб муштарий" ("Акс-садо")	Дугорим чертилмай қолмасин. (16.01.10) Пирмат Шермуҳаммедов	"Мультфильмдан эҳтиёт бўлинг" (24.04.10) Наргис Қосимова	"Сардор — Сарими?" (17.07.2010) Шоҳсанам Ниёзова	Спинтроника — эътиборталаб соҳа (20.11.2010) З.Исаҳонов
"Энг яхши репортаж"	Дўстлик ва ҳамкорлик— юксак марраларга йўл очади.(03.02.10) Дилшод Каримов	"Қалбларда қуёш жилваси" (29.05.10) Зоҳиджон Холов	«Хуш қол Андижон, салом Бухоро» (02.06.2010) Нурлан Усмонов, Зоҳиджон Холов, Орифжон Сиддиқов	Дўстлик, ҳамкорлик, ижодкорлик — мақсадимиз! (24.11.2010) С.Тошева

УМРНИНГ БАРАКАСИ

(Вақт ҳақида битиклар)

Дақиқалар замирида оддий ҳақиқат

Ҳар 15 дақиқада соат занг чалинади. Бу — умрдан шунча лаҳза кетганига ишора. Сониялар бир-бирига уланиб, чалинган занглар сони ўнта, ўн битта, ўн иккитага етади. Соатлардан ҳосил бўлган кеча-кундуз билан умримизнинг бир саҳифасини ёпамиз. Кунлардан сўнг, ҳафталар, ойлар, йиллар...

Бошқаларни билмадиму, вақт менга чексиз хазина бўлиб туюлади. У ўз соҳибига омад ва бахт инъом этади, қачонки, инсон дақиқалар қадрига етса, ундан унумли ва оқилона фойдалана билса.

Ақл-заковат намунаси

Рўпарада соат, унинг шакли тўртбурчак, стрелкалари узун, қисқа, сонни англатувчи таёқчалар рим рақамида. Қайсидир ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулоти. Хонага қўйилганки, вақтни кўрсатиб турсин. Ахир, кишилар вақтга қараб ишлайдилар, овқатланишдан олдин ҳам соатга қарайдилар, дам олиш учун белгиланган фурсат бор.

Ана шу мўъжазгина буюм ҳам аслида кашфиёт. Одамлар вақтни ўлчаш билан қадим-қадимдан шуғулланишади. Соатнинг ҳозирги шаклидан аввал унинг минглаб нусхалари яратилган. Даставвал вақтни ўлчашда Қуёш соатларидан фойдаланилган. Аждодларимиз Қуёш, Ой, юлдузлар ҳаракати ва бошқа табиат ҳодисаларининг такрорланишига қараб, вақтни ўлчаганлар. Кейинчалик сув соати, қум соати пайдо бўлди.

Замонлар ўтиб, илк маротаба яратилган вақт ўлчовчи асбоблар ўзининг такомиллашган шаклига кирди. Бу — барчамизнинг қўл телефонимиздаги ҳар дафъа ўзгариб турувчи рақамлардир.

Қўшнилар

Икки аёл кўп қаватли уйлар орасида ўрнатилган скамейкада ўтиришибди. Бирининг қўлида писта тўла целлофан халтача, иккинчиси ҳам тез-тез шу «эрмак»ка қўл узатади. Уларнинг билганлари ғийбат, чаққанлари писта. Оёқ тагида писта пўчоғидан «гилам» ҳосил қилинган.

Кеч бўлди, қўлида сумка билан ишдан қайтаётган муаллима аёлни бу қўшни хотинлар тўхтатишди:

— Сарварахон, бирпас биз билан ўтиринг, доим шошганингиз шошган. Ишдан уйга, уйдан ишга, намунча, сизга ҳайкал қўйишармиди? — дея писанда қилди писта чақиб ўтирган аёллардан бири.

— Ҳаёт шунга мажбур қилади, қўшнижон. Ишларим кўп, вақтим етмайди. Менга ўхшаб коллежда дарс берсангиз, балки шундай демаган бўлардингиз. Уйга келиб, овқат тайёрлашим керак. Эртанги дарсларга тайёргарлик, фарзандларим билан шуғулланишга ҳам вақт топсам, дейман. Майли, қўшнижонлар, сизлар бемалол, — муаллима шоша-пиша ўз хонадонига йўл олди.

Шом чўкиб, хуфтон кирди. Муаллима аёл кечки овқатдан сўнг, кир ёйиш учун болохона деразасидан назар ташлади. Қўшнилари ҳамон писта чақиб ўтиришарди... Кўнглидан ўтгани шу бўлди: «Эссиз вақт, эссиз умр!».

Ҳар куни ўн саҳифадан

«Китобхонлик ноёб ҳодисага айланаётгани ҳақида ёзамизу, шунга ўзимиз риоя қиламизми?». Бу — ҳамкасбларимдан бирининг ҳамкасбларига берадиган доимий саволи. Ўйлаб қолдим, аслида ҳам шундай. Эрталаб ишга келишимиз билан кўчирилган қўлёзмаларнинг зеру забарини қўйиб, ҳажми ва санасини кўрсатган ҳолда бош муҳаррир ўринбосарига топширамиз. Кимдир сизни йўқлаб келади, гаплашасиз. Телефондаги мулоқотлар ҳам вақтингизни олади. Баъзан қисқа муддатли йиғилиш чўзилиб кетгандек бўлади, бунинг зарурати йўқ, деб ўйламанг. Қарабсизки, куннинг ярми ўтиб бўлди, бу ёғи тушликка тараддуд.

— Умр ўткинчи, азизим, вақт ҳар биримизнинг умримизни «ютиб» юборади. Унинг устидан ғалаба қилиш учун ҳар куни ўн саҳифадан китоб ўқишга ўзимни одатлантирдим. Вақт бизнинг хоҳиш-имкониятимиз билан заррача ҳам ҳисоблашмас экан, аксинча биз у билан ҳисоблашишимиз керак. Шундай қилиб, бир ойда иккита, икки ойда тўртта, олти ойда олтита, ҳажмининг катта-кичиклигига қараб, бир йилда 10-15та китоб ўқиб чиқиш мумкин экан. Албатта, ҳар қандай китобни эмас, танлаб ва саралаб ўқийсиз.

Ҳамкасбимнинг одати менга ўтди, ҳозир ҳар куни ўн саҳифадан китоб ўқиш менинг ҳам шиоримга айланди. Қани эди, бунга ҳар бир инсон риоя қилса, жамиятимиздаги оғриқли муаммолардан бири ўз ечимини топармиди?

Уйқу — ғафлат

Она ёзғиради, бола ёстиқдан бош кўтармайди. Соат саккиз. Тун ярмига қадар аллақандай кинони кўрган ўғлига туриш малол келмоқда. Демак, у ўқишга ҳам боролмайди. Онанинг талаби — дарс қолдирилмаслиги керак.

— Тур дегандан кейин турсанг-чи, кўп ухлаш зарар, ахир. Югуриб-югуриб ўқишингга борсанг-чи.

— Э, озгина ухлай, ойи, тунда кеч ётдим, тўйиб ухламасам, куни бўйи гангиб юраман! — дея ғудранди ўғли.

Она ишга кетди. Соат тўққиздан ўнга, ўндан ўн бирга, ниҳоят, ўн иккига яқинлашганда «ғафлат» эгаси ўрнидан бир қўзғалиб қўйди. Боши зилдек, қанчалик кўп ухламасин, уйқуга тўймагандек. Яхшиси, ухлашда давом этгани маъқул...

...Вақтни оқилона тақсимлаганларнинг ишида ва умрида барака бор.

Хулкар ТЎЙМАНОВА

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари ва
кўп минг сонли талабалари жамоаси
Сиз — азиз юртдошларимизни
Янги 2011 йил
билан муборакбод этади!
Институтимиз жамоаси
ҳукуматимиз томонидан
амалга оширилаётган Кадрлар
тайёрлаш миллий дастури асосида
ўсиб келаётган ёш авлоднинг
маънан ва жисмонан етуклиги
йўлидаги эзгу фаолиятини
муваффақиятли давом эттиради.
Ватанимизнинг келажаги бўлган зукко,
билимли ёшларни юрт истиқболига
дахлдорлик ҳисси билан мустақил
ҳаётга йўллаш олий мақсадимиздир.
Барчангизга Янги йил
бахт ва омад келтирсин.
Хонадонингиз тинч,
турмушингиз янада
фаровон бўлсин!



Бугун чуқур билимли, илғор тажрибали педагог кадрларга эҳтиёж катта. Зеро, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган муассасаларида таълим самарадорлигини таъминлаш долзарб вазифага айланди. Бунда педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, юртимизда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш тизими доимий такомиллаштирилиб борилмоқда. Ўқитувчининг шароитидан келиб чиққан ҳолда, масофавий таълим тизимининг жорий этилаётганлиги ўзига хос илғор тажриба. Бунда ўқитувчи мактаб ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида эҳтиёжга кўра доимий ўз тажриба ва маҳоратини ошириб бориш имкониятига эга бўлмоқда.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ

имкониятларни янада кенгайтиради

Масофавий таълимни мактабгача таълимдан бошқа таълимнинг барча босқичларида қўллаш мумкин. Ушбу таълим тизими, айниқса, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим босқичида қўлланилса, тингловчилар яхши билим ва маълумотлар олишади, шу билан бирга кўплаб янгиликлардан воқиф бўлишади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида масофадан ўқитиш расман жорий қилиниб, бу йўналишда муайян тажриба тўпланган ва ўқитишнинг мазкур шакли орқали минглаб "ўқувчилар" таълим олишмоқда.



Айтиш ўринлики, Ўзбекистонда яратилган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими дунёда ягона ҳисобланади. (Бу тизим схематик равишда қуйидаги расмда тасвирланган).

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг (2003 йил 19 февраль) қарори ва унинг ижросига оид дастур бандларига кўра, умумий ўрта таълим мактабларининг масофадан ўқитиш тизимини (ВПКҚТМОИлари қошидаги 14та масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштирувчи маркази (**МЎҲММ**) ва вилоятларнинг 5та туманидаги масофадан ўқитиш таълим ресурс марказларини **(МЎТРМ)** сифатли ташкил қилиш бўйича бажарилиши лозим бўлган барча ишларга масъул қилиб А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти белгиланган. Чунончи, Осиё Тараққиёт банки иштирокидаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» Ўзб-1961 лойиҳасига биноан Хоразм вилояти ПКҚТМОИ таркибида масофадан ўқитиш ҳудудий мувофиқлаштирувчи маркази ва 5та туман(Гурлан, Шовот, Хонқа, Ҳазорасп ва Қўшкўпир)даги 5та (мос ҳолда 4-, 1-, 31-, 1- ва 2-) умумий ўрта таълим мактаблари таркибида масофадан ўқитиш таълим ресурс марказлари ташкил қилиш назарда тутилган эди.

Хоразм вилоят ҳокимининг 2003 йил 5 апрелдаги 37-F - сонли фармойиши, унинг асосида вилоят халқ таълими бошқармасининг 2003 йил 18 апрелдаги 60-сонли буйруғи ва ВПКҚТМОИ ректори ҳамда 5та тумандаги 5та мактаб директорларининг буйруқлари чиқарилди ва маҳаллий маблағлар асосида тайёргарлик ишлари шу йилиёқ бошлаб юборилганди. Институт ва институт таркибидаги МЎҲММ ҳамда 5та МЎТРМларининг ҳар бирида 10тадан ўқув синфлари ажратилди, улар талаб даражасида мукаммал таъмирланди.

«Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида информатика, биология, физика, кимё ва лингофон ўқув хоналарига мебеллар ўрнатилди. Институт ва МЎҲММнинг информатика ўқув хоналарига 15тадан компьютер, 2та сканер, 3та модем, 2та принтер, офис хонага 2та шахсий компьютер, 1та принтер, 2та нусха кўпайтирувчи аппарат ажратилган. Шунингдек, физика, кимё ва биология ўқув хоналарига лойиҳада белгиланган ўқув-жиҳозлари келтирилган.

Вилоят халқ таълими тизими техник жиҳатдан масофавий таълимни амалга оширишга тайёр. Айтиш жоизки, бу жараёнда Халқ таълими вазирлиги бошқармалари вакиллари, «Таълим секторини ривожлантириш» лойиҳасининг Мудл номли ўқитишни бошқарув тизими (ЎБТ) бўйича маҳаллий консультантларининг ёрдами катта бўлди. Даставвал улар вилоятда «Масофавий таълим ва Мудл номли масофадан ўқитишни бошқарув тизимига кириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказишди. Сўнгра мутахассислар бу тизимдан фойдаланиш бўйича 2009 йил март—октябрь ойларида МЎҲММ ходимлари учун 3 марта семинар-тренинг ўтказишди. Семинар-тренингда 47 нафар институт профессор-ўқитувчилари ва методистлари иштирок этишди. Натижада жамоамиз мазкур тизимдан фойдаланиш бўйича муайян кўникмага эга бўлди. Ҳозирги кунда тизимга кириш дастури компьютер хотирасида ишчи ҳолатда мавжуд.

Бундан ташқари, масофадан малака ошириш тизимини бошқарувчи ва амалга оширувчи мутахассис Германия Федератив Республикасининг Таълим марказида малака ошириб келишди.

Институтнинг информатика, ИБА ва хорижий тил ўқитувчилари эса пойтахтимизда ташкиллаштирилган Мудл тизими асосида масофадан малака ошириш синов намойиш курсида иштирок этди. Улар масофадан ўқитишни ривожлантириш маркази мутахассислари билан мунтазам алоқада бўлди ва намойиш курсини жорий йилнинг июнь ойида муваффақиятли якунлади. Шунингдек, 2010 йил давомида туман (шаҳар) методика кабинети мудирлари ва МЎТРМ раҳбарлари учун бир неча ўқув семинарлари ташкил қилинди. Бундай семинарлар масофадан ўқитиш таълим ресурс марказлари жойлашган мактабларнинг 11та йўналишдаги фан ўқитувчилари учун ҳам уюштирилди.

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ таркибидаги масофадан ўқитишни ривожлантириш марказининг «Ўқитувчиларни масофавий ўқитиш орқали малакасини оширишнинг яқин келажак ва истиқбол режа»сига мувофиқ Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ПКҚТМОИларида 11та фан бўйича тажриба-синов масофавий курслари ўтказилди. Барча қолган вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ПКҚТМОИларида 2011 йилдан бошлаб шундай курсларни ўтказишни амалга ошириш режалаштирилмоқда.



Олимбой АСҚАРОВ,
Хоразм вилояти ПКҚТМОИ таркибидаги МЎҲММ бошлиғи

ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ ЁРҚИН КАШФИЁТЛАРИ

УНДА ЮРТИМИЗ ОЛИМЛАРИ ЯНГИЛИГИ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Одатда ҳар йил якунида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Кимгадир қисқа, ким учундир бироз узунроқ туюлган ушбу муддат ичида дунё миқёсида чиндан ҳам аҳамиятли воқеалар содир бўлди, илм-фанда чинакам кескин бурилиш ясаган кўплаб кашфиётлар амалга оширилди. Хўш, дунё олимлари бу йил бизни қандай ихтиролари билан хушнуд этди? Уларнинг қай бири ҳаётга самарали татбиқ этилди?

Аслида поёнига етай деб қолган 2010 йилдаги 365 куннинг ҳар бири ёдда қоларли ва ўзига хос тарзда муҳимдир. Шундай бўлсада, қуйида биз йил давомида бутун дунёда рўй берган, глобал миқёсда долзарб ва муҳим ҳисобланган воқеа-ҳодисаларнинг энг асосийларини яна бир карра тилга олиб, уларнинг қисқача таҳлилини бермоқчимиз.

ПЛАНШЕТ ДУНЁНИ ЭГАЛЛАМОҚДА

Энг аввало, таъкидлаш жоизки, 2010 йил информацион технологиялар соҳасида қатор илмий янгиликларга бойлиги билан дунё аҳолиси ёдида қоладиган бўлди. Бунга мазкур соҳага ихтисослашган компаниялар ўртасидаги кучли рақобат туртки бўлди, десак хато бўлмайди. Натижада улар янги технологиялар ва янгича фаолият стратегиялари билан кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Хусусан, шу йил бошида «Эппл» («Apple») ўзининг мутлақо янгича ишланмаси — планшет, яъни оддий дафтар ҳажмидаги компьютер тақдимотини ўтказди. Янги технологияни қўлга олмасданоқ унга меҳр қўйишга улгурган фойдаланувчилар ускунанинг сотувга чиқарилишини интизорлик билан кутишди. Компания эса шу йили март ойидаёқ олдиндан олинган буюртмалар бўйича маҳсулотиларини қисқа муддатда сотиш билан бирга, унга бўлган талаб кучлилигидан ҳали-ҳамон савдо ҳажмини камайтирганича йўқ.

Мутахассислар ускунанинг кенг оммалашишига сабаб нафақат оддий фойдаланувчилар, балки ишбилармонлик доираси вакиллари ҳам планшет компьютерларининг қулай дизайни ва кўплаб ёрдамчи воситаларини тўғри баҳолашганида, деган фикрда. Негаки, ускунанинг афзалликлари туфайли уларнинг ишида қатор енгиллик ва устунликлар кузатилмоқда.

Бошқа ишлаб чиқарувчилар ҳам «Эппл» муваффақиятидан илҳомланиб, шу каби ускуналарни чиқаришни йўлга қўйди. Бунда, хусусан, «Самсунг» ўзининг «Гэлекси Таб» («Galaxy Tab») ва «Делл», «Стрик» («Streak») номли планшетлари билан савдо бозорини муваффақиятли тўлдира олди.

КВАНТ МЕХАНИКА АСРИ БОШЛАНАДИМИ?

Ўтган 365 кун мобайнида жаҳон илм-фанида амалга оширилган кашфиётларнинг энг муҳими сифатида «Сайнс» илмий нашрида инсон томонидан яратилган дастлабки квант машинаси — макроскопик осциллятор келтирилган. Унгача одамзод қўли билан барпо этилган барча объектлар фақат механика қонун-қоидаларига биноан ҳаракатланганди. Лекин шу йили март ойида Калифорния университети олимлари Эндрю Клеланд ва Жон Мартинис раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи ўзига хос рақамли ускуна ишлаб чиқишди. Эътиборлиси, мазкур қурилма ҳаракати фақат квант механика қоидаларига биноан, яъни молекула, атом ва элементар зарралар каби энг кичик зарралар ҳаракатига асосланган ҳолда кечиши мумкин экан.

— Квант машинаси — бу яримўтказгичлар тўплами, — дея изоҳ беради тадқиқотчи Жон Мартинис ўз мақоласида. — Квант ҳолатга ўтказиш учун квант механика қонун-қоидаларига кўра энг қуйи энергияда совитилган.

Физик олимлар бунда осцилляторни квант механик тизимга улаб, тебранма ҳаракат квант заррала-ри, фононларни маълум ҳароратда бошқариш мумкинлигини намойиш этишган.

УЧ ЎЛЧАМЛИ ТАСВИР «ИСТИЛОСИ»

Жорий йилда энг кўп тилга олинган ўзига хос кашфиётлардан бири бу — 3-Ди, яъни тасвирни уч ўлчамда намоён этиш шаклидир. Аввалига режиссёр Жеймс Кэмероннинг «Аватар» фильми орқали мазкур форматнинг афзаллиги намойиш этилгач, қисқа фурсат ичида кўплаб фильм ва тасвирлар «уч ўлчамли» шаклга келтирилди. Ишлаб чиқарувчилар эса уларни томошабинга кўрсатиш учун зарур бўладиган фото ва видеокамералардан тортиб, телевизор ҳамда проекторгача ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Натижада йил охирига келиб, оддий фойдаланувчилар ҳам 3-Ди форматдаги тасвирларни

кўриш имкониятига эга бўлди. Эҳтимол, шу ҳолат сабаб мутахассислар янги 2011 йилда уч ўлчамли тасвирларнинг бундан-да кенгроқ тарқалишини таъкидлашмоқда.

НОУТБУКЛАРГА ТАЛАБ ҲАМОН КАТТА

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Эппл» компанияси томонидан ишлаб чиқилган планшет (ёки ай-Пэд — iPad) информацион технологиялар оламида ўзига хос кескин бурилиш ясаган бўлса-да, бу ноутбукларнинг янги авлодларини яратишга тўсиқ бўла олмади. Хусусан, «Тошиба» компанияси ишлаб чиқарган «Либретто В100» («Libretto W100») компьютери ана шулар жумласидан.

Ушбу ноутбукнинг бошқалардан фарқли жиҳати иккита сезувчан экранга эга эканлигидадир. Бунинг ҳисобига оддий фойдаланувчи ишлашда қатор қулайликларга эга бўлди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Келаси йили «Эйсер» («Acer») компанияси тез орада ўзининг «Айкониа» («Iconia») моделидаги янгича ноутбукини фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этиши кутилмоқда. Шу тариқа, қисқа фурсат ичида компьютер билан ишлашнинг биз ўрганган усулининг ўзгаришини кузатиш имконига эга бўлишимиз мумкин.

ГЕНЕТИК ВА АСТРОНОМИК ИХТИРОЛАР

Аҳамиятли ихтиролардан бири сифатида таниқли олим Крейг Вентер бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан яратилган синтетик (синтез усули билан олинган) геномга эга бактерия эътироф этилган. Бу йўналишдаги тажрибада биолог олимлар бактерия ДНКсини буткул янги генлар таркиби билан алмаштиришнинг уддасидан чиқишган. Муҳими, ушбу генларнинг оқсилларни синтезлаши ортиқча қийинчиликсиз амалга ошгани кузатилган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, келгусида синтетик геном янги турдаги биологик ёқилғи, дори-дармонлар ва кимёвий моддаларни яратишда қўл келади.

Шунингдек, генетик олимлар ҳам ихтиролар борасида қатор салмоқли ютуқларга эришган. Жумладан, Хорватия ҳудудидаги Виндия ғорида топилган бундан 38-44 минг йил илгари даврга тегишли, дея тахмин қилинаётган неандерталлар геномини замонавий инсонлар билан қиёслаб ўрганиш имкони туғилди. Шу билан бирга, генетика касалликларни даволашда ҳам анча илгарилаб бораётганини мутахассислар таъкидлашмоқда. Негаки, шу йили оқсиллар таркиб топадиган геном қисми — экзонни секвенлаш (генларнинг кетма-кетлигини аниқлаш) усули билан тадқиқ этишга эришилди. Натижада тадқиқотчилар қатор ирсий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган генетик мутация(ўзгариш)ларни аниқлашнинг уддасидан чиқди. Назарий тадқиқотлар ҳам муҳимликда амалий тажрибалардан кам бўлмади. Боиси, секвенлаш усулининг янги технологиялари ривожи турли организмларнинг ДНКси борасида кенг кўламли изланишлар олиб бориш учун замин яратди. Масалан, биргина «Инсоннинг 1000 геноми» лойиҳаси туфайли инсонларда кузатиладиган турли хил геномлар батафсил ўрганилди.



«Сайнс» журналида яна йилнинг энг эътирофли ихтиролари сирасига океанортилик олимлар томонидан тармоқ ҳужайралари ёрдамида лаборатория шароитида кемирувчилар учун яратилган сунъий ўпкалар ҳам киритилган. Мутахассислар кузатувлари улар ҳозирда ҳақиқий ўпкаларнинг фаолиятини 95 фоиз бажара олишини тасдиқлади. Эндиликда улар инсон организмига имплантация қилиш мумкин бўладиган турни ҳам яратишни режалаштирмоқда.

Тадқиқотчиларнинг тинимсиз меҳнатлари самараси ўлароқ, жорий йилда астрология борасида ҳам кўплаб янги билимларга эга бўлинди. Бунда энг шовшувли илмий кашфиётлар сифатида Марсда сув борлигига ишора қилувчи улкан ҳажмдаги, аниқроғи, миллиардлаб тоннага тенг муз захираси, Сатурнда эса кислород топилганини кўрсатиш мумкин.

КЕЛАЖАККА ИНТИЛИБ...

Юқоридагилар, аввал таъкидлаганимиздек, ўтган йилнинг энг оламшумул воқеаларидир. Лекин улар орасига узоқ вақт давомида дунё аҳолиси томонидан кўп муҳокама қилинган ва турли оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилган яна кўплаб ҳодисаларни киритиш мумкин. Хусусан, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларацияси мақсадларига бағишланган саммити, жорий йилнинг мазкур нуфузли ташкилот томонидан «Халқаро ёшлар йили» деб эълон қилиниши билан боғлиқ қатор тадбирлар, Улкан адрон коллайдеридаги тажрибалар, шунингдек, йил бошида Гаитида рўй берган зилзила, Исландиядаги вулқоннинг уйғониши, Мексика кўрфазидаги техноген ҳалокат ана шулар жумласидандир.

Қолаверса, **ҳар бир ватандошимиз кўксини ғурурга тўлдирадиган ва жаҳон афкор оммаси эътиборини тортган ютуқ, яъни ўзбек олимлари томонидан Самарқанд сайёрасининг кашф этилиши ҳамда унга махсус рақам берилишини айнан 2010 йилда рўй берди.**

Умуман олганда, 2010 йил турли соҳалардаги ўзгариш ва янгиликларига бой бўлгани билан кўпчилик хотирасида сақланадиган бўлди. Аммо бу жуда умумий таъриф. Якунланиб бораётган йилга энг мос келадиган сифат бу келажакка интилишлар яққол сезилаётган давр, десак муболаға бўлмас. Негаки, бу вақт оралиғида техника ва технологиялар борасидаги туб ўзгаришларга таъсир ўтказган ва кейинчалик ҳам таъсир этиши кутилаётган воқеалар содир бўлдики, уларнинг олдида аввалгилари аҳамиятсиздек бўлиб қолди. Шунга қарамай, кашфиётларни амалга оширишни дилига туккан инсонлар ҳали-ҳамон изланишда. Демак, келгуси йили ҳам бизни келажакда инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган турли ихтиролар ва оламшумул янгиликлар кутмоқда. Биз эса дунё олимлари ўз олдига қўйган мақсадларини самарали равишда амалга оширишнинг уддасидан чиқишига умид қилиб қоламиз.

Наргиза ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Фалсафа факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини, фалсафа фанлари номзоди, доцент Ҳаким Тўхтаевга волидаи муҳтарамаси

ИСТАТ Аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Кутубхоналараро абонемент бўлими мудири Муаттар Носировага падари бузруквори

Муҳаммадқодир ўғли ОБИД отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси «Тиллар ва адабиёт» кафедрасининг собиқ методисти

Набия ШАРХАЖАЕВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Mustaqilligimizning 19 yilligi arafasida kasb-hunar kollejining yangi binosi foydalanishga topshirilishi jamoani quvontirdi.

ҲУНАР ЗИЁСИ

Ҳунар — маёқ

Қизлархон Тўраева бир йил аввал ёруғ дунёни кўрарди. Бахтдан ғамга қадар бир қадам экан. Энди у дунёни кўрмайди. Қўллари билан ён-атрофни пайпаслайди, ҳис қилади, холос.

Қизининг кун сайин озиб-тўзиб бораётганини кўрган онаизор чора излайди. Чораки болагинасининг қоронғу дунёсини ёритса. Бир куни радио орқали бир хабарни эшитгач, она-боланинг кўнглидаги ғубор тумандай тарқади. Гап шундаки, пойтахтда Тошкент шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежида кўзи ожизларга тўқувчилик ҳунарини ўргатишаётган экан. Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидан шаҳри азимга отланган Қизлархон йўл-йўлакай тўқувчилик ҳунарини ўрганиб кета олармиканман деган хаёлга борди...

— Ўқув йилининг бошида қандай қилиб кўзи ожизлар бу ҳунарни ўрганар экан дея бироз чўчидим, — дейди коллежнинг тўқувчилик йўналиши иккинчи босқич ўқувчиси Қизлархон Тўраева. — Устозимиз Раъно опанинг бизга бу ҳунарни сабр-тоқат, меҳр билан ўргатиши тўқувчиликка бўлган интилишимни ўстирди. Тўғри, бошида анча қийналдим. Кейин уқувим ошиб, яқинларимга тўқиган ишларимни



кўрсатганимда, уларнинг мақтовлари мени янада илҳомлантирди. Бу ерга келгач, ҳунар — қоронғу йўлларни ёритгувчи маёқ эканини англаб етдим.

Ўрганмоқ саодати

Тўқувчилик йўналиши иккинчи босқич ўқувчи-қизлари билан суҳбатлашдик.

Дилором Ҳайдарова касб-ҳунар коллежига Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидан келган.

— Бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолдим. Тушкунликка тушиб қолгандим ўшанда. Шу ҳолда, 7 йил уйда ўтирдим. Бу ерни телевизор орқали эшитиб, манзилини топиб келдим, — дейди бир нуқтага ўйчан боқиб Дилором. — Бошида тўқувчиликни зерикмасликнинг бир йўли, овунчоқ, қолаверса, чалғиш учун восита сифатида ўрганардим. Кейин эса ҳунарни мукаммал эгаллаб, тўқиган ишларимни қўлимга олгач, қалбимда бошқача ҳис ўрмалади. Айниқса, тўқиган ишларинг одамларга ҳам ёқса, атрофдагиларнинг мақтовини эшитсанг, бунинг завқи бошқача экан. Баъзида қўлимда ҳунарим борлигидан қувониб кетаман. Ҳеч нарсани кўрмай туриб, ажойиб ишларни тўқиб ёнимдагилар, қариндошларим, айниқса, онамнинг ҳайратланишини эшитиб, хурсанд бўламан. Бизга бор-йўғи икки йил таълим беришади. Дўстларим билан шу қадар яқинмизки, гоҳида ҳазиллашиб «Қанийди, яна бир йил ўқисак», деймиз. Касб-ҳунар коллежига келгач, имконияти чекланганлар ҳам жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига ишондим. Ҳунар туфайли кўп дўст оттирдим. У бизни жипслаштирди.

— Дилором Ҳайдарова янгилик яратадиган ўқувчиларимдан, — дея суҳбатимизга қўшилади коллежнинг касбий таълим устаси Раъно Отахонова. – У яратган янгиликлар мени доим ҳайратлантиради. Қизларга тўқиш технологиясини ўргатишда ҳисоб-китоб муҳим роль ўйнайди. Маҳсулотни учга, тўртга бўлиб олиш ҳисоб-китобга боғлиқ. Эсда сақлаш, сезиш қобилияти кучлилиги боис улар бу ҳунарни тезда, мукаммал ўрганишяпти. Кейин қизларимиз ниҳоятда сабр-тоқатли. Мана, (қизлар ишини кўрсатиб) кўпчилик бу ишларнинг сифатини кўриб ўқувчиларим тўқиганига ишонмагандай бўлишади.

— Устоз, айтинг-чи, ўқувчиларингизга қийин вазиятларда қандай руҳий далда берасиз, — саволга тутдим муаллимани.

— Бундай вазиятлар кўп бўлади-а, қизлар, — дея сўрайди Раъно опа. — Қизларим янги мавзу ўтилганида бироз қийналишади. Уларга доим ҳунар эгаллашда ҳикмат борлигини, ҳунар инсоннинг зийнати эканлигини айтаман. Қийин ўзлаштираётган ўқувчиларим билан якка тартибда ишлайман. Зерикиб қолмасликлари учун ҳаётий воқеаларни сўзлаб бераман. Уларнинг қалби ниҳоятда нозик. Ўқувчиларга ҳунар билан бирга меҳр бериш лозим. Яна бир гап, уларга қўлидан келадиган гул безагини беришга ҳаракат қиламан. Чунки, безакларнинг мураккаби ўқувчини тушкунлик ҳолатига тушириши мумкин. Биласизми, яқинда бир ўқувчимга китобдаги схема орқали тўқишни ҳар қанча ўргатмай ўзлаштиришга қийналди. Кейин ёнидаги қиздан сўради. Шунда ҳалиги қиз мен ўргатган усулнинг шундай осон йўлини топиб тушунтирдики, ўзлаштириши қийин кечаётган қиз бирпасда илмоқлар билан тўқий олди. Шундан сўнг ўз устимда янада кўпроқ ишлашим кераклигини англадим. Уйда ҳам кўзимни юмганча мураккаб безакларни тўқиб кўрдим. Англадимки, оддий усулда тушунтирган безакни ўқувчи тез англай оларкан.

Kollej ustaxonasida

Касбим — фахрим

Касбий таълим устаси Раъно Отахонова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаб кўпдан бери ана шу касб-ҳунар таълими муассасасида ишлаб келмоқда. Муаллима қизлар билан ҳамиша елкадош. Уларнинг қувончу ташвишларини биргаликда баҳам кўради ва уларга сабоқ беришни ҳам фарз, ҳам қарз деб билади. Хуллас, ишхонаси унинг иккинчи уйи, ўқувчилари эса фарзандлари.

— Биласизми, қизларимиз бир-бирларига шунчалик меҳрибонки, бир-бирларини қўллаб-қувватлашади. Ўқишга, кўча-кўйга чиқишмоқчи бўлишса, бири иккинчисини кутиб туради.

Шу пайт диққатимизни қўлини эпчиллик билан ҳаракатга келтираётган қиз тортди.

Ўзини Орзигул Мамадалиева дея таништирган қизнинг сўзларига қулоқ тутдик.

— Бир соҳани мукаммал эгаллаш керак экан, — дейди О.Мамадалиева. — Биринчи келганимда энг кўп илмоқларни ўнг томондан илиб олишга қийналгандим. Бир ҳафта шу ҳолатда тўқий олмаганман. Ҳатто уйга бориб, ойимга коллежга қайтиб бормайман, деб айтганман. Ҳаммасини сабр билан ўрганиб олгач, шу иш қўлимдан келди-ку, эплай оларканман деган умид уйғонди. Ойим ҳам ўшандан кейин шу ишларни ўзим тўқиганимга ажабланган. Коллеждаги дўстларим, устозларим сабаб ҳаётга умид билан қарашни, сабр-тоқат қилишни ўргандим. Тўғри, кўзимдаги касаллигим узоқ вақт тўқишга, изн бермайди. Шундай бўлса ҳам бу ҳолатим касбни эгаллашимда тўсиқ бўлолмайди.

Тўқув маҳсулотлари кўнглингизни яйратади

Тўқувчи қизлар орасида ўзининг интизоми, янгиликка интилувчанлиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушганлари талайгина. Айниқса, Ўғилой Маҳкамова, Чарос Ғаниева, Маржона Эржигитова, Хусния Ҳамроеванинг ишлари кишини лол қолдиради.

Дарҳақиқат, имконияти чекланган ўсмирлар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежида тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, радиоэлектрон аппаратураларни монтаж қилиш, созлаш ва таъмирлаш, пойафзал ва чарм-галантерия ишлаб чиқариш технологияси йўналишларида сабоқ олиб борилади. Яқинда, Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилиши жамоани қувонтирди.

Ҳа, коллежда касб-ҳунар ўрганаётган ўғил-қизларнинг ҳаётга бўлган интилишларини кўриб, ҳавасим ортди. Уйга қайтарканман, касбу ҳунарда ҳикмат кўплигига яна бир бор амин бўлдим. Зеро, ҳикматларда шундай ёзилади:

Ҳунар билан ҳаёт нахлин
эгаллаганларга,
Саодат хазинаси калити
муяссардир.

Ҳулкар ФАРМОН қизи,
"Ma'rifat" мухбири

Пойтахтимиздаги 17-мактабда ўқитувчи Мавлуда Раҳимова томонидан "Миллий ғоя" туркумига кирувчи фанлар ойлиги муносабати билан очиқ дарс уюштирилди. Муаллима 8-синф ўқувчиларига машғулот давомида маънавий қадриятларимиз, устоз—шогирд анъаналари хусусида сўзлаб берди.

Ўқитувчи мавзу бўйича изланиб, қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда дарснинг қизиқарли ўтишини таъминлади.

Ушбу илм даргоҳида "Устоз—шогирд мактаби" фаолияти яхши йўлга қўйилган. Ўқитувчи М.Раҳимова ҳам муассасадаги ёш мутахассисларга устозлик қилиб келмоқда.

Ўқитувчи ҳар бир машғулотни ноанъанавий тарзда олиб боришга интилади. Хусусан, унинг дарс давомида бошқа мамлакатларнинг урф-одатлари, қадриятлари ҳақидаги маълумотлари ўқувчилар қизиқишининг ортишига туртки бўлмоқда.

Ё.ШАМСИДДИНОВ олган суратлар.

"MATBUOT TARQATUVCHI" aksiyadorlik kompaniyasi

Муҳтарам юртдошлар!
Ўзбекистон матбуотининг азиз фидойилари!

Янги — 2011 йил

барчангизга муборак бўлсин!
Сизларга оилавий бахт, мустаҳкам соғлик, Ватан равнақи йўлидаги меҳнатларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Янги йилда ҳам мамлакатимизда чоп этилаётган оммавий ахборот нашрлари доимий ҳамроҳингиз бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

"O'ZKIMYOSANOATLOYIHA" OAЖ

жамоаси аъзолари кириб келаётган Янги — 2011 йил билан барчани чин юракдан қутлайди!

Институтимиз олимлари, муҳандис-техник ходимлари кўплаб кимё саноати иншоотлари лойиҳаларини яратиб келмокда. Кириб келаётган янги йилда бу борадаги ижобий натижаларимиз кўлами янада кенгаяди, деган умиддамиз.

Азиз юртдошлар, Янги йил барчангизнинг хонадонингизга файзу баракот келтирсин!

SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН–ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Ўзбекистон—Германия «Савдогар» банки жамоаси ёнонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини кириб келаётган

Янги йил айёми

билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди!

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари ва институтнинг жамоат ташкилотлари ҳамда талабалари барча юртдошларимизни, фан ва таълим тизимида меҳнат қилаётган азиз устоз ва мураббийларни

Янги — 2011 йил

билан самимий муборакбод этади!
Янги йилда барчага энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

«ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ РИВОЖИДА МАГНЕТИЗМНИНГ ЎРНИ»

(«Ma'rifat», 2010 йил 11, 14 август)

«СПИНТРОНИКА» — КЕЛАЖАК ФАНИ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети умумий ва магнит ҳодисалари физикаси кафедраси мудири, профессор О.Қувондиқовнинг шу номдаги мақоласида фаннинг янги соҳаси бўлган «магнитоэлектроника» ёки бошқача қилиб айтганда, «спинтроника»нинг замонавий ҳолати тўғрисида энг янги маълумотлар келтирилган. Мақолада кичик ўлчамли структуралар тайёрлаш технологиясида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда магнитоэлектроника бўйича республикамизда юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилган. Материалларнинг янги синфи — магнитли ярим ўтказгичларнинг пайдо бўлиши билан магнит структураларнинг яримўтказгичли электроника интеграцияси жадаллик билан юз бермоқда. Спинли электроника заҳирасидаги потенциал бутун дунёда физиканинг бу соҳасидаги тадқиқотларнинг фаоллашувига олиб келди ва XXI аср технологияси асосан спинтроникада эришилган ютуқлар билан белгиланиши, дунёнинг етакчи олимлари томонидан башорат қилинаётир. Дарҳақиқат бундан бир неча ўн йил олдин ҳам яримўтказгичли материаллар асосидаги асбоблар ҳаётга кенг татбиқ этилганига қарамай, талабалик йилларимда электрон асбоблар фани бўйича ўтилган машғулотларда кўпроқ электрон вакуумли асбобларга урғу берилар эди. Ҳозирги даврда жадал суръатларда спинтроника қурилмалари амалиётга татбиқ этилаётганини ҳисобга олган ҳолда, мақола билан танишганимдан кейин, олий таълим муассасаларида таълим бераётган профессор-ўқитувчиларга талабаларга фан сифатида спинтроника фани ўқитилаяптими, деган савол билан мурожаат қилдим. Спинтроника фани танлов фани сифатида ўқув режасига киритилгани, бироқ бу фан билан кам сонли талабалар қамраб олинганлигини айтишди.

Мақолада келтирилганидек, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги вақтда республикамизда спинтроника соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор жуда зарур. Ҳаттоки бундай кадрларга ишлаб чиқариш корхоналарида, олий ўқув юртларида, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш институтларида, жумладан, электроника институтимизда ҳам катта талаб сезилмоқда. Институтда хорижий давлатлардан келтирилган ва ўз олимларимиз томонидан илмий изланишлар учун яратилган замонавий қурилмалар мавжуд. XXI аср ахборот технологиялари асри деб тан олинган, аммо ахборот технологияларининг асосий устунларидан бири электроника ҳисобланади. Электрониканинг кейинги ривожланиши эса спинтрониканинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон келажаги янада порлоқ бўлиши учун ҳам фан ва технологиянинг янги соҳаларини ривожлантириш долзарб масалалардан бири деб ҳисоблайман. Республикамизда юқори технологияларга таянган ишлаб чиқариш корхоналари кўплаб қурилаётганлигини ҳам ҳисобга олсак, ҳозирда ва яқин келажакда нафақат электроника ва микроэлектроника, балки спинтроника соҳасини ҳам эгаллаган юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ортиб бориши тайин. Шу сабабли профессор Облоқул Қувондиқов томонидан мақолада келтирилган фикрларга қўшиламан ва спинтроника соҳаси бўйича мутахассислар бор бўлган республикамиз олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

З.ИСАХАНОВ,
ЎзРФА Электроника институти катта илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАДА

Келажак технологиялар учун кадрларни бугундан бошлаб тайёрлашимиз керак. Ҳар бир жамиятда уни ривожлантирувчи кучлар мавжуд бўлади. Бундай кучлар сирасига аниқ ва табиий фанлардаги юз бераётган янги, оламшумул кашфиётларни киритиш мумкин. Жумладан, физика фанида қилинган кашфиётлар инсоният тарихида янги бурилиш ясагани ҳеч кимга сир эмас. Мисол тариқасида, Уатт томонидан буғ машинасининг кашф қилиниши иқтисоднинг фан сифатида пайдо бўлишига, реактив ҳаракатнинг кашф қилинишини эса сайёраларо учишларнинг амалга ошишига, атом ядроларининг бўлиниши атом энергиясидан фойдаланишга олиб келди.

XX аср охири, XXI аср бошларида нанотехнология ва нанофизика гуркираб ривожлана бошлади. Бундай ривожланиш ўз навбатида инсоният фаолияти турларида ўз аксини топмоқда. Тарихга назар ташлайлик. Эмиссион жараёнлари физикасининг ривожланиши дастлаб вакуумли асбобларнинг яратилишига, газларда электр разряди ҳодисаларининг очилиши газ разрядли асбобларнинг ривожланишига, қаттиқ жисмлар ҳамда яримўтказгичлар ютуқлари қаттиқ жисмли электроника ва микроэлектрониканинг ривожланишига ва улар асосида нанотехнологиялар ҳамда нанофизиканинг вужудга келиши наноэлектроника каби физиканинг янги муҳим бир йўналишининг фан ва техникага кириб келишига, электроннинг спини ҳолатига боғлиқ бўлган спинтрониканинг ривожланишига олиб келди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир янги босқич ривожи олдинги босқич давоми сифатида юзага келади ва ундан устуворроқ бўлгани учун олдингисини сиқиб чиқариб бораверади. Профессор О.Қувондиқовнинг "Замонавий фан ва технологиялар ривожида магнетизмнинг ўрни" ва шу йилнинг 13 октябрь сонидаги физика соҳасида Нобель мукофотининг 2010 йил соҳибларига бағишланган мақолаларини ўқиб жиддий ўйланиб қолдик. Мақолаларда ҳақиқатдан ҳам жуда долзарб масалалар кўтарилган. Фан-техника, жумладан, электроника йиллар, ойлар, ҳафталар эмас, балки, соатлар сайин ривожланмоқда. Бунда асосий ўринни ривожланган чет мамлакатлар эгалламоқда. Лекин биз бунга қўл қовуштириб ўтиришимиз керакми? Ёки бўлмаса бу жараёнда биз нима қилишимиз керак? — деган ҳақли савол пайдо бўлади. Бугунги кунда яловбардор бўлмасак-да, яқин келажакда ишончимиз комилки, халқимиз, айниқса, иқтидорли ёшларимиз зукколиги, меҳнаткашлиги, шижоаткорлиги туфайли бундай ривожланишда ўзларининг залворли ўринларини эгаллайди. Бунинг учун муҳтарам Президентимизнинг доимий эътиборида бўлган фан ва таълим соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ислоҳотлар асосида соҳанинг барча мутасаддилари — устоз-мураббийлар, олим ва мутахассислар илмий ва тадқиқотчилик имкониятларини ишга солиб, амалий тадбирлар ишлаб чиқмоғи лозимдир.

Кадрлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, аввало, фаннинг устувор йўналишларини, мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи соҳаларни эътиборга олган ҳолда келажак дастурларини аниқлаб олмоғимиз зарур. Бунга мисол сифатида Японияда кадрлар тайёрлаш тизимига назар солсак, уларда яқин 50 йилдан кейин фан ва техникада бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда режалар тузилади, шунга мос ҳолда таълим тизими дастурлари тасдиқланади ва у даврий равишда такомиллаштирилиб борилади.

Мақолаларда асосан физика йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш масаласининг муаммолари кўтарилган. Назаримизда, бу муаммони бутун таълим соҳаси ва фанлар миқёсида таҳлил қилиш зарур. Замонавий кадрлар тайёрлаш учун барча фан соҳаларининг ривожини ва узвийлигини ҳам инобатга олмоқ керак. Шу боис Республикамиз ОЎЮларида уларнинг ички имкониятларидан ва минтақа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, энг долзарб йўналишлар бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни мувофиқлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай мутахассисликларга физикадан ташқари у билан боғлиқ бўлган ва мамлакат иқтисодий қудратини юксалтирадиган математика, кимё, биология, геология, электроника, микро ва нанотехнологиялар ва бошқаларни олиш мумкин.

Замонавий мутахассисларни бундай ҳолда тайёрлаш илмий-техника бўҳрони даврида тез мослаша оладиган, фан ва техника соҳасидаги янгиликларни тез ўзлаштира оладиган ва шу туфайли илмий фаолияти кўламини тез ўзгартира оладиган чуқур билимли кадрлар захирасига эга бўлишимизга олиб келади. Бу эса шак-шубҳасиз республикамизда замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва фан-технологияларни ривожлантириш имконини беради.

С.ЗАЙНОБИДИНОВ,
Р.АЛИЕВ,
физика-математика фанлари доктори Андижон давлат университети

ТАРАҚҚИЁТ ҲОДИСАСИ ВА МАГНЕТИЗМ

Дарҳақиқат, магнетизм бугунги кунда техника тараққиёти даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Магнит ҳодисалари физикасининг муҳим вазифаларидан бири инсоният ва техника тараққиёти учун керак бўлган янги магнит материалларини излаш ва ўрганишдан иборат. Бу ҳодиса асосида барча турдаги электростанцияларнинг асосий қисми бўлган ўзгарувчан ва ўзгармас ток генераторлари бугунги кунда бутун жаҳонда истеъмол қилинаётган электр энергиясини ишлаб чиқармоқда. Бундай генераторларни ясаш, электр энергиясини ҳосил қилиш, уларнинг узатилишида ва истеъмолчиларга тақсимланишида асосан магнит материаллар кенг ишлатилади.

Электроннинг хусусий магнит моментининг электромагнит майдон билан ўзаро таъсирини ўрганувчи ва шу асосда пайдо бўлган эффектларни ҳамда шу эффектлар асосида ишлайдиган асбоблар ва қурилмаларни ўрганувчи — Спинтроника фанининг пайдо бўлиши оламшумул янгиликлардан бири бўлди. Ҳозирги вақтда спинтроника яримўтказгичли тузилмаларда магнит ва магнитооптика, спиннинг конденсирланган муҳит динамикаси ва когерент хоссасини, шунингдек, наноўлчамдаги тузилмаларда квант магнит ҳодисаларини ўрганади. Спинтрониканинг ривожланиши аввалги маълум бўлган магнетиклардан ташқари янги магнит яримўтказгич моддалар пайдо бўлдики, бу моддалар бир вақтнинг ўзида учта (магнит, яримўтказгич ва оптик) хоссаларни намоён қилади. Спинтроника асбобларида гигант магнит қаршилик эффектига асосланган асбоблар кенг ишлатилмоқда. Бу эффектнинг моҳияти шундаки, магнит тасмалар(плёнка)нинг қаршилиги номагнит қатлам билан ажратилган қўшни ферромагнит моддалардаги спин магнит моментларининг нисбий йўналишига боғлиқ бўлади. Материаллар гигант магнит қаршилик эффектидан ташқари яна амалий мақсадда ишлатиладиган иккита параметр билан: тўйиниш магнитланиш (магнит қаршилик энг катта қийматга эга бўлган магнит майдон қиймати) ва сезгирлик билан аниқланади. Гигант магнит қаршиликлар бўйича қилинган илмий ишлари учун дунё олимлари Нобель мукофотини олишди. Умуман олганда, магнетизмнинг бундай янги соҳаси билан Самарқанд давлат университетида профессор О. Қувондиқов раҳбарлигида кенг кўламда ишлар олиб борилаяпти ва бу соҳада нафақат Республикамизда, балки жаҳонда тан олинган илмий марказ вужудга келди. Муаллиф айтганидек, ҳозирги кунда экологик хавфсиз, компакт (тежамли) энергетик жиҳатдан эффектив ва ўта чидамли бўлган уй температурасида ишловчи совуткичлар ясаш ниҳоят зарурдир.

Маълумки, ҳозирги вақтда совуткичларда ишлатилаётган ишчи газ кўп экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, яъни озон қатламнинг бузилиши ва глобал исишга олиб келаяпти. Жуда кўп совуткичларда ишчи модда альтернатив технологияси орасида, бутун жаҳонда тадқиқотчиларнинг эътиборини магнит совутиш технологияси эгалламоқда. Чунки уларнинг афзаллиги шундаки, магнит совуткичлар экологик жиҳатдан тоза бўлиши билан бирга, улар электр энергиясини жуда кам сарфлайди. Шундай бўлишига қарамай, афсуски, ҳозирги вақтда магнит совутиш муаммоси Республикамиз олимлари томонидан лаборатория шароитида ўрганилмаяпти.

Тан олишимиз керак, магнетизм соҳаси бўйича Марказий Осиёда ягона кафедра Самарқанд давлат университетида мавжуд. Етарли шароит ва мутахассис бўлишига қарамасдан у ерда магистратура ва аспирантура мавжуд эмаслиги кишини ўйга толдиради. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши замирида олам-олам маъно бор. Дарвоқе, ёшлар Президентимизнинг ишончини оқлаши учун дунё олимлари амалга ошираётган илм билан шуғулланишиб, Ўзбекистон шаънини юксакларга кўтариши зарур.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, магистратура бўйича жаҳон стандартларида магнит ҳодисалари физикаси энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Юқоридагилардан магнит ҳодисалари физикаси бўйича ҳам юқори малакали мутахассислар(бакалавр, магистр, аспирант ва докторант)лар тайёрлаш муаммоси келиб чиқади. Муаллиф айтганидек, магистратурага қабул баробарлик принципига асосан олиб борилиши керак.

Муҳаммадкабир БАҲОДИРХОНОВ,
ТошДТУ профессори, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби

ИМКОНИЯТЛАР ЮТУҚЛАРГА АСОС БЎЛМОҚДА

Сариосиё деганимизда Боботоғ, Бойсунтоғ, Ҳисор, Ҳўжапиряк пурвиқор тоғлари, хушманзара қишлоқлар, Шарғун кўмир кони, Хонжиза полиметалл кони, Сангардак шаршараси, Дашнобод анори, Оқ Остона бобо мақбараси, Тўполон сув омбори, гидроэлектр станцияси ҳамда билимдон, меҳмондўст, содда, ҳунарманд, ишбилармон ва меҳнатсевар эл кўз ўнгимизда жонланади.

Туман ҳудудининг умумий ер майдони 3,93 минг кв.км.дан иборат. Аксарият аҳоли табиати бетакрор тоғларда истиқомат қилиб, деҳқончилик, чорвачилик ва асаларичилик билан шуғулланиб, тўқ, фаровон умр кечирмоқда. Мустақиллик шарофати билан бу ерларга саноат кириб келди.

Сариосиё сўзи «тегирмонбоши» деган маънони билдиради. Ҳақиқатдан ҳам Сурхон воҳасининг дарёлари шу ҳудуддан бошланади. Сувга сероб жой ҳамиша обод бўлиб келган. Бу ўз навбатида ушбу ҳудуднинг қадим маданият марказларидан эканига исбот. Туман ҳудудидаги Қоровултепа, Култепа, Нонвойтепа, Хумдонтепа, Хўрозтепа, Навандақтепа, Қўрғонтепа, Бобуртепа, Бешкапа, Ҳисортепа, Ҳушдара, Намозгоҳ, Кўрғонжувоз каби тарихий обидаларда археологлар олиб борган илмий изланишлар фикримизни исботлайди.

Истиқлол шарофати билан туман таниб бўлмас даражада ўзгарди. Маҳалла гузарлари, савдо, овқатланиш, маданий, маиший шохобчалар, саноат корхоналари, таълим масканлари, аҳолининг бир-бирини такрорламайдиган, бир-биридан гўзал турар жойларини кўриб кўнглингиз ғурурга тўлади. Қайси қишлоққа борманг, улкан бунёдкорликлар устидан чиқасиз. Ободончилик, озодалик, саранжом-саришталикка интилаётганларнинг юз-кўзидан келажакка ишонч, умидворликни англайсиз. Ҳар 4-5 хонадондан биттасида ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомашиналарни кўрасиз.

Туманда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам қувонарли натижаларга эришилмоқда. 6та шифохона, 21та қишлоқ врачлик пункти, 1та кўп тармоқли поликлиника, 2та диспансер аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасига берилаётган юксак эътибор ушбу туманда ҳам ўз аксини топган. Бир-биридан кўркам, замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида бўлсангиз, дилингиз яйрайди. Келажагимиз эгаларига яратилган шароитлар ривожланган давлатлардан қолишмайди.

Туман халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тажрибали раҳбар Аҳмаджон Бобоев бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Туманимизда 74та умумий ўрта таълим мактаби, 24та мактабгача, 4та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 1та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1та футбол мактаби, 1та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Уларда меҳнат қилаётган 2538 нафар педагог 27824 нафар ўқувчига яратилган замонавий шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб чуқур билим бериш борасида доимий изланишда.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан 2004—2009 йилларда туманда 1та янги мактаб қурилди, 20таси капитал реконструкция қилинди. 32та таълим муассасаси капитал, 14таси жорий таъмирланди. 10та мактабда спорт зали қурилди, 23тасининг спорт зали эса капитал, 2тасиники жорий таъмирдан чиқарилди. Улар керакли мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари, спорт анжомлари, кўргазмали қуроллар, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда энг асосийси, малакали кадрлар билан таъминланган.

Бундан ташқари, туманда таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағ топиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Натижада ҳомийлар жалб қилиниб, мактаб, спорт зал қуриш, уларни таъмирлаш, инвентарлар билан таъминлаш ишларида бош-қош бўлаяпти. Шу йилнинг ўзида 73 млн. сўмлик ана шундай кўмак олдик.

Ўқувчилар техник ижодиёти маркази биноси ана шундай ташаббус асосида ҳомийлар ҳисобидан янгидан қад ростлади ва замон талаблари асосида жиҳозланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг 29-бандига асосан уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 10 нафар ўқувчига Пентиум-4 компьютерлари тақдим этилди. Болажонлар ва уларнинг ота-оналари севинчининг чеки йўқ.

Халқ таълими бўлими ходимлари самарадорлиги 40,3 фоиз (вилоятда 1-ўрин)-ни ташкил этган бўлса, 2008—2009 ўқув йилида эса 45,5 фоизга кўтарилган ёки республикада 66-ўриндан 47-ўринга чиққанлигини таъкидлаш жоиз.

Албатта, раҳбарлик, ижро интизоми тўғри йўлга қўйилган жойда муваффақиятларга эришиш осон кечади.

— Туман таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди туман ХТБ методика кабинети мудири Давлатбой Маҳмудов. — Ўтган ўқув йилида 26 нафар ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиб, туман миқёсида оммалаштирдик. Айримларини вилоятга тавсия этдик. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси»

Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor



қошида ташкил этилган «Зиё» жамғармаси томонидан ўқитувчиларнинг анъанавий Август анжуманида 32 нафар илғор ўқитувчига 1 миллион 800 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

2001 йилда ташкил этилган жамғарма низом асосида фаолият юритиб, шу давр ичида юзлаб истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни, тажрибали, моҳир педагогларни, кам даромадли оила фарзандларини, боқувчисини йўқотган болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, кутубхона фондини бадиий ва илмий адабиётлар билан бойитишда ҳам унинг алоҳида ҳиссаси бор.

Йилдан-йилга ўқитувчилар маҳорати, ўқувчиларнинг билим даражаси ортиб боряпти. Буни олиб борилаётган мониторинг кузатувларимиз исботлаб турибди. 2007—2008 ўқув йилида 6та асосий фандан (она тили ва адабиёт, математика, тарих, физика, биология, кимё, инглиз тили) олий ўқув юртига кирувчиларнинг тест синовлари натижалари самарадорлиги 40,3 фоиз (вилоятда 1-ўрин)-ни ташкил этган бўлса, 2008—2009 ўқув йилида эса 45,5 фоизга кўтарилган ёки республикада 66-ўриндан 47-ўринга чиққанлигини таъкидлаш жоиз.

Албатта, раҳбарлик, ижро интизоми тўғри йўлга қўйилган жойда муваффақиятларга эришиш осон кечади.

— Туман таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди туман ХТБ методика кабинети мудири Давлатбой Маҳмудов. — Ўтган ўқув йилида 26 нафар ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиб, туман миқёсида оммалаштирдик. Айримларини вилоятга тавсия этдик. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида 9 нафар вакилимиз иштирок этиб, 2 нафари республика миқёсидаги беллашувда қатнашди.

«Йилнинг энг яхши методбирлашмаси» кўрик-танловининг туман босқичини 8та ҳудудда ўтказдик. Танлов натижасига кўра 9-мактаб жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Мактаб директорлари ва ўқитувчиларнинг дарс таҳлил этишларини доимий назоратга олганмиз. Бу машғулотларнинг сифати ва самарадорлиги ортишига олиб келмоқда. Ҳар бир мактабда дарсларни таҳлил этиш жадвали чиқарилган. Бу ўз навбатида ўқитувчилар масъулиятини оширяпти. Мактабларда алоҳида методик хоналарда дарс таҳлил бурчаклари мавжуд. Улардан керакли услубий қўлланмаларни топиш мумкин. Таянч мактабларга келган ҳар қандай педагог ўз малакасини ошириб кетиши учун зарур шароитлар яратилган. Ҳар ҳафтанинг жума куни туман бўйича методик кун деб эълон қилинган. Ҳар 2 ойда бир марта 12та фандан доимий ҳаракатдаги семинар ўтказилиши режалаштирилган. «Энг яхши методбирлашма» кўрик-танловини мунтазам уюштириб келаётганимиз ҳам кўл келмоқда.

Фан ойликларига оид фан фестивалларида ўқитувчиларнинг янги қирралари очиляпти. Ўқувчиларнинг фанларга қизиқиши ортаяпти. «Устоз-шогирд мактаби»да 18 нафар устозга 54 нафар шогирд бириктирилган.

Устозларнинг машаққатли меҳнати маҳсули фан олимпиадаларида яққол кўриняпти. 2010 йили вилоят фан олимпиадасида 27 нафар ўқувчимиз қатнашди. Тожик тили ва адабиёти фанидан 7-мактаб ўқувчиси Тахмина Шомуродова республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

38-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Парвина Ҳикматуллаева, 9-мактабдан Одил Саидов, 20-мактабдан Бунёд Мирзаолимов мутлақ ғолиб бўлди. Олимпиада якунига кўра туманимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, барча жабҳаларда вилоятда етакчилик қилаётган Сариосиё туман халқ таълими бўлими ва унинг тасарруфидаги таълим муассасаларида ўрганишга, оммалаштиришга арзийдиган тажрибалар тўпланган.

Норқувват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

«TOSHKENTPAXTASANOAT»
HUDUDIY AKSIYADORLIK BIRLASHMASI

Жонажон Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган фермерларни, янги, серҳосил, маҳаллий навларни яратиб бераётган селекционер олимларни

Янги – 2011 йил билан самимий қутлаймиз!

Янги йил барча учун шодлик ва бахтларга тўлиқ бўлсин. Тарих саҳифаларига айланаётган йилда амалга ошмаган ишлар, ниятлар рўёбга чиқсин.

Ҳаммага энг эзгу тилаклар йўллаймиз!



ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

«ТАШГИПРОГОР» очиқ акциядорлик жамияти

- Уй-жой, фуқаролик ва ишлаб чиқаришга мослашган биноларни лойиҳалаштириш
- Лойиҳалаштириш хизматлари кўрсатиш бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган тажрибалар мавжуд

Барчани кириб келаётган 2011 йил билан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз.

Янги йилда Сиз азизларга бахт-саодат, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Мамлакатимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлидаги фидокорона меҳнатларингизда омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

700011. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 40-уй.
тел.: (+99871) 244-04-95, 244-93-80
e-mail: info@tashgiprogor.uz,
www.tashgiprogor.uz

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЙИЛ БЎЛДИ

Владимир ТЎЙЧИЕВ,
XVI Осиё ўйинларида велотрек бўйича олтин медали соҳиби:



— Янги йил арафасида муваффақиятли одимларни эслаш нақадар фараҳбахш. Шу кезда жонажон Ўзбекистонимизда ҳар қандай эзгу интилиш, албатта, рағбат топишининг яна бир карра шоҳиди бўлдим. Ўзимдан мисол. Яқинда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида иштирок этиш имконияти яратиб берилди.

Велотрек баҳсида барча рақибларимни ортда қолдириб, азалий орзуим — Ватаним байроғини юқори ҳилпиратишга муваффақ бўлдим. Ўша вақтда шу қадар бахтли эдимки, уни сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам ёшларга берилаётган эътибор бу даражада юксак эмас. Шуларни чуқур ҳис қилган ҳолда қитъа миқёсидаги катта мусобақада терма жамоамиз билан бор куч ва маҳоратимизни ишга солдик. Натижа кутганимиздек ижобий бўлди.

Шоҳсупага кўтарилган пайтимда билдирилган ишончни оқлаш нақадар машаққатли эканини чуқур ҳис этдим. Яқинларим, мураббийларимдан табриклар қабул қилар эканман, насиб қилса, Лондон олимпиадасида ҳам Ўзбекистон шаънини янада юксакларга олиб чиқишни дилимга тугдим.

Янги йилда барча юртдошларимизга, айниқса, ёш умидли спортчиларга ташлаётган илк одимлари залворли бўлиб боришини тилайман. Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!

Yangi yil tilaklari

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Луиза ГАЛИУЛИНА,
XVI Осиё ўйинларида спорт гимнастикаси бўйича бронза медали соҳибаси:

— Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан жуда фахрланаман.

Она Ватанимизда истиқомат қилаётган барча фуқаролар — миллат ва элатларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Шу жумладан, биз ёш авлод вакилларининг бекаму кўст таълим олишимиз, ўзимиз суйган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб вояга етишимизга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда замонавий, кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган мактаблар, коллеж ва академик лицейлар, янги ва бир-биридан ажойиб спорт мажмуалари ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари йўлида хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг бундай ғамхўрлиги бизларни юртга муносиб фарзанд бўлишга чорлайди. Шунинг учун мен ҳам ака-укаларим, дўсту дугоналарим қатори ўзимга билдирилган ишончни оқлашга сидқидилдан интилаяпман. Таълим олиш баробарида спорт, аниқроғи, спорт гимнастикаси билан мунтазам шуғулланишни канда қилмаяпман.

Мақсадим орзуларимга уйғун — олимп чўққисига чиқиш, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиш, доимо юрт байроғини юқори кўтариб, мадҳиямизга жўр бўлишдир.

Дунё халқлари севиб нишонлайдиган Янги йил байрамида спортсевар ҳамюртларимизга бахт-саодат, тинч-тотувлик, мазкур йил ғалабаларга бой бўлишини истайман. Барчага омад ёр бўлсин!





АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

барча юртдошларни.
Ватанимизга
ташриф буюрган
азиз меҳмонларни
Янги — 2011 йил
билан чин
дилдан қутлайди!
Янги йилда
Сизларга бахт,
омад, соғлик ва
оилавий
хотиржамлик
тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим туркман тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллиф	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати
	1-синф			
1	Алифбе (Harplyk)	Қ.Абдуллаева ва б.	2011	бепул
2	Ёзув дафтари (Harplyk depderi)	К.Холлиев	2011	бепул
3	Она тили (Ene dili)	Муаллифлар гуруҳи	2011	бепул
4	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Муаллифлар гуруҳи	2011	бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2011	бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2011	бепул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	бепул
8	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	бепул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2011	бепул
10	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2011	бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	бепул
12	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
13	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
	2-синф			
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
	3-синф			
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
	4-синф			
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара
2	Она тили (Turkmen dili)	А.Қодиров	2011	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	А.Қодиров ва б.	2011	ижара
4	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
6	Табиатшунослик	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
7	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов	2011	ижара
9	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
10	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара
	5-синф			
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
3	Адабиёт (Edebiўat)	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
9	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
10	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
11	География	П.Ғуломов ва б.	2011	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
14	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
15	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
16	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2011	
17	Жисмоний тарбия (5—6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2011	
18	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
	6-синф			
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Edebiўat)	Р.Қиличев ва б.	2009	ижара
4	Тарих	А. Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
5	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
8	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
13	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
15	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
16	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
	7-синф			
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Edebiўat)	Г.Суюнова ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom,Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2009	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
11	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2009	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
14	География	П.Ғуломов ва б.	2009	ижара
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
16	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
20	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2006	кутубхона фонди
21	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
22	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди
	8-синф			
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Аразқиличева ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Гурбанбердиев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
14	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
	9-синф			
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбегов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
9	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
14	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди

Faxr

СПОРТ: ЯНА БИР ДОВОН ОРТДА ҚОЛДИ

Азиз ўқувчилар! Қўлингиздаги "Ma'rifat" газетасининг 2010 йилдаги энг охирги сони. Шундай экан, унда "Баркамол авлод йили" давомида спортчиларимизнинг юртимизда ва хорижда қўлга киритган зафарлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар сараланди. Жами 33та энг шов-шувли воқеликда ватандошларимиз эришган ютуқлар қисқача эътироф этилган. Марҳамат, уларни яна бир бор ёдга оламиз.

ЯНВАРЬ

* Иқтидорли ёш дзюдочимиз Ришод Собиров Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида кечган "World Masters" халқаро турнири финалида япониялик рақиби Хироакаи Хироакага қарши гиламга чиқиб, зафар қучди ва олтин медаль соҳиби бўлди.

ФЕВРАЛЬ

** 12—28 февраль кунлари Канаданинг Ванкувер шаҳрида 21-қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда юртдошларимиз ҳам иштирок этди. Хусусан, муз устида фигурали учиш бўйича Анастасия Гимазетдинова, тоғ чанғиси спорти борасида Олег Шамаев ва Ксения Григорьева ўз омадини синовдан ўтказди.*

МАРТ

* "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида "Камолот маликалари — 2010" мусобақалари бўлиб ўтди. Унда иқтидорли қизлар стол тенниси бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Бухоро шаҳридаги тиббиёт коллежи ўқувчиси Ситора Шамсиева "Камолот" маликаси" деб топилди.

АПРЕЛЬ

** Пойтахтимизнинг "Ўзбекистон" спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қитъамизнинг 20дан ортиқ мамлакатидан келган 200 нафардан зиёд спортчи қатнашди. Мазкур мусобақада бир қатор юртдошларимиз ёшлар ўртасида ташкил этилган Сингапурда ўтган I Олимпиада ўйинларига йўлланмани ҳам қўлга киритди.*

МАЙ

* Мўғулистоннинг Улан-батор шаҳрида пауэрлифтинг бўйича 20га яқин давлатдан спортчилар иштирок этган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 7 олтин, 16 кумуш ва 3 бронза медалига сазовор бўлди.

* "Ўзбекистон" спорт мажмуаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида мини футбол бўйича XI Осиё чемпионати ўтказилди. Жами 16 энг кучли терма жамоа иштирок этган биринчиликда вакилларимиз кумуш медаль билан тақдирланди.

* Республикамизда энг муҳим воқеликлардан бири — олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Универсиада — 2010" спорт мусобақалари Андижон шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақа якунларига кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари 1-ўринни қўлга киритди. 2-ўрин Андижон вилояти ва 3-ўрин Навоий вилояти вакилларига насиб қилди. Ғолиб шаҳар ва вилоят жамоаларига Президент совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди. Мазкур спорт ўйинларида 6-"Универсиада" Бухоро шаҳрида бўлиб ўтиши ҳам белгилаб олинди.

ИЮНЬ

** Йилнинг энг машҳур воқеликларидан бири — футбол бўйича 19-жаҳон чемпионати Жанубий Африка Республикасида 11 июнь куни старт олди. Унда Осиёнинг энг яхши ҳаками, ФИФА тоифасидаги рефери Равшан Эрматов ва унинг лайнсмени Рафаэль Илёсов муваффақиятли иштирок этиб, бешта: Мексика — ЖАР, Англия — Жазоир, Греция — Аргентина, Аргентина — Германия ва Голландия — Урагвай учрашувларини бошқарди ва бир жаҳон чемпионатида энг кўп ўйин бошқариш бўйича рекордчилар сафидан ўрин олди.*

Эслатиб ўтамиз, мундиалда Испания миллий терма жамоаси ўз тарихида илк бор жаҳон чемпиони бўлди.

ИЮЛЬ

* Украинанинг Мариуполь шаҳрида бокс бўйича ўтган халқаро турнирда ватандошларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этди. Унда ўзбекистонлик чарм қўлқоп соҳиблари 7та олтин ва 2та кумуш медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этди.

* Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун кечган ярим финал баҳсида икки ўйин натижасига кўра, Ғузорнинг "Шўртан" клуби ўз тарихида илк маротаба финалга йўл олди.

АВГУСТ

* Ҳиндистонда енгил атлетика бўйича ўтказилган "Asian all stars athletics" деб номланган халқаро турнирда ҳамюртларимиз муносиб иштирок этди ва диёримизга жами 12та медаль: 3та олтин, 6та кумуш ва 3та бронза медали билан қайтишди.

* 14—26 август кунлари Сингапурда биринчи бор ёшлар ўртасида Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 204 мамлакат вакиллари орасида Ўзбекистон шарафини 22 нафар спортчимиз 14 спорт тури бўйича ҳимоя қилди. Мазкур олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 3та кумуш ва 5та бронза медалига эришиб, умумжамоа ҳисобида 58-ўриндан жой эгаллади.

* Польшанинг Познан шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Вадим Меньков 1000 метрга эшкак эшиш баҳсида олтин медални қўлга киритиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони, деган юксак шарафга лойиқлигини исботлади. У 500 метрга сузиш бобида эса бронза медали билан чекланди.

СЕНТЯБРЬ

** Президентимизнинг қарорига мувофиқ Андижон шаҳридаги "Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш" спорт мажмуаси негизида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат очилди.*

** Пекин шаҳрида спортнинг яккакураш турлари бўйича 1-Бутунжаҳон жанговар санъат ўйинлари ўтказилди. Унда самбо бўйича куч синашган ватандошларимиздан Акобир Қурбонов ва Дамир Муҳидов олтин, Фирдавс Холмуродов эса кумуш медалига сазовор бўлди.*

** Хорватиянинг Сплит шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтган Қитъалар кубоги мусобақасида иштирок этган ватандошларимиз — Юлия Тарасова олтин, Надежда Дусанова бронза медалига эришди.*

** Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган 27-жаҳон чемпионатида қатнашган спортчиларимиз орасида Ришод Собиров (60 кг.) олтин медаль билан тақдирланди.*

** Москва шаҳрида кечган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон чемпионатида вакилларимиз Артур Таймазов ҳамда Заурбек Соҳиев кумуш медалини қўлга киритди.*

** Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича Осиё чемпионатида спортчиларимиз муносиб қатнашиб, 2та олтин, 1та кумуш ва 3та бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.*

ОКТЯБРЬ

** 3 октябрь куни Хитойда ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси илк бор иштирок этиб чорак финалигача етиб борди.*

* Тошкентда таэквондонинг "пумсе" йўналиши бўйича 5-жаҳон чемпионати ташкил этилди. Унда 60дан ортиқ мамлакатдан 600 нафарга яқин спортчи қатнашди. Жаҳон чемпионати ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар, фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий "пумсе" йўналишлари бўйича кечди.

* Тошкентда эркак теннисчилар ўртасида анъанавий "Тошкент-Челленжер — 2010" мусобақалари бўлиб ўтди. Унда словакиялик Карл Бек люксембурглик рақиби Жилл Мюллерни енгиб, бош совринни соҳиби бўлди. Жуфтликлар баҳсида британиялик дуэт — Росс Хатчинс ва Жеми Мюррей зафар қозонди.

* Индонезияда сув полоси бўйича ўтган Осиё чемпионатидан мамлакатимизнинг 20 ёшгача бўлган ўғил ва қизлар жамоалари хушхабар билан қайтишди. Қизларимиз олтин медаль ва кубокка, ўғил болаларимиз жамоаси эса кумуш медалга сазовор бўлди.

* Футбол бўйича Аргентинанинг Креспо шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси қаторасига иккинчи бора чемпион, деган юксак шарафга муваффақ бўлди. Улар финалда мезбонларни 3:1 ҳисобида доғда қолдириб, матонат ва жасорат намуналарини кўрсатишди ҳамда Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишди.

* Кипрнинг Никосия шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида қатнашган ватандошларимиз 30дан ортиқ мамлакат орасида жами 25та: 10та олтин, 9та кумуш ва 6та бронза медалига эга бўлишди.

* Тошкентда қаторасига иккинчи маротаба футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. "Пахтакор" ва "Жар" стадионлари мезбонлик қилган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси А.Евстафеев бошчилигида финалгача етиб борди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

НОЯБРЬ

** Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси кўмагида "Жар" спорт мажмуасида самбо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг 40га яқин давлатидан 500 нафарга яқин полвон иштирок этди. Вакилларимиз жанговар самбо бўйича 1та олтин, 2та кумуш ва 4та бронза медалига эришган бўлса, самбочиларимиз 1та кумуш ва 7та бронза медали билан кифояланишди.*

** Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида 12—27 ноябрь кунлари 16-Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини 224 нафар вакилимиз мусобақалар туркумига киритилган 29 спорт тури бўйича ҳимоя қилди. Якунга кўра, спортчиларимиз жами 56та: 11та олтин, 22та кумуш ва 23та бронза медали жамғариб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни банд этди.*

** Равшан Эрматов ОФКнинг Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида ўтказилган маросимда Осиёнинг жорий йилдаги "Энг яхши ҳаками" деб топилди. "Ўзбекистон ифтихори" унвони соҳиби бўлган Р.Эрматов шу билан қаторасига учинчи бор бундай шарафга сазовор бўлгани эътиборлидир.*

ДЕКАБРЬ

* 16—17 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича ёшлар ўртасида 6-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ватандошларимиз доимгидек фаол қатнашди ва жами 12та: 2та олтин, 2та кумуш ва 8та бронза медалини қўлга киритишди.

* Гуанжоу шаҳрида ампутант спортчилар ўртасида 10-Осиё Паралимпиада ўйинлари ўтказилди. Мазкур ўйинларда юртимиз байроғи остида майдонга тушган 30 нафарга яқин ҳамюртларимиз жами 6та: 1та олтин, 2та кумуш ва 3та бронза медали эвазига умумжамоа ҳисобида 16-ўрин соҳиби бўлди.

Турли ширин ўй-ташвишлар билан андармон бўлиб, яна бир йил ортда қолганини ҳам билмай қолибмиз-а. Буни қаранг, кечагина 2009 йилнинг диққатга молик спорт воқеликларини санагандик. Кўз очиб юмгунча, 2010 йил ҳам ортда қолди. Аслида чемпионларнинг чемпиони бўлмиш югурик вақтни ҳеч ким ҳеч қачон тўхтатолмайди...

2010 йили ички ва халқаро майдонларда чинакам куч ва иқтидорини намойиш этиб, Ватанимиз шаънини кўкларга кўтарган спортчиларимизни кириб келаётган 2011 йил билан чин дилдан қутлаймиз. Уларга келгусида ҳам улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз. Янги йилда янги умидлар, янги мақсадлар, янги довонларни забт этиш қувончи ҳамроҳингиз бўлсин. Зотан, келгуси йилда спортчиларимизни бундан ҳам кўпроқ синовлар, демакки, ажойиб ғалабалар кутиб турибди.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

Мактаб — таълим муассасасигина бўлиб қолмай, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан камол топишини таъминлайдиган маскандир. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг билим олиб, камол топишлари учун шарт-шароит яратиш муҳим вазифа. Бундай юксак масъулиятни англаган Учқўрғон туманидаги 40-умумтаълим мактаби маъмурияти ҳамда педагоглари таълим сифатини ошириш, ёшларнинг яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишларини таъминлаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

ДАРСДАН ТЎГАРАККА ОШИҚҚАН ЎҚУВЧИЛАР

Ўқувчиларнинг барчаси тўгаракларга кенг миқёсда қамраб олинган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида бу ерда 30та тўгарак фаолият кўрсатади. Ўқувчилар спортнинг 9 тури бўйича ташкил этилган тўгарак машғулотларида шуғулланиб, турли мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. 1-синф ўқувчиси Қумрихон Йўлдошева каратэ, Фахриддин Маҳмуджонов эса бокс бўйича ўтказилган мусобақаларнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб келишяпти. М.Ғайбуллаева (математика), Ф.Муталлиев (информатика), А.Муҳиддинов (инглиз тили), М.Араббоева (она тили) умумтаълим фан олимпиадасининг вилоят босқичида ғолиб деб топилди.

— Бугунги ёшларга улкан имкониятлар яратилмоқда. Уларга пухта билим бериш, соҳага тўғри йўналтириш ҳар бир педагогдан катта масъулият талаб этади, — дейди 40-умумтаълим мактаби директори А.Холматов. — Ўқувчиларимиз ютуқларидан фахрланамиз. Ўқитувчи-мураббийлар дарсларни интерфаол усуллар билан ўтишади. Дарсни бошлашдан аввал «5 дақиқалик сиёсий янгилик» эълон қилинади. Ўқувчиларга жамиятдаги турли сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг қисқача тафсилотини етказамиз.

Мактабда ушбу ўзига хос кичик ташаббусга монанд янгиликлар кўп. Эътиборлиси, уларнинг барчаси ўқувчиларнинг камолотига хизмат қилмоқда.

Рухсора ТУРСУНОВА
Учқўрғон туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Азиз ватандошлар!

Сизларни Янги 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» билан қизғин муборакбод этамиз! Якунланаётган йил бизнинг жамоа учун республикадаги турдош корхоналар ичида биринчилардан бўлиб «Халқаро сифат сертификати ИСО-9001-2008» талабларига жавоб берадиган китоблар, дарсликлар ва бошқа босма маҳсулотларни чоп этиш борасида ўзига хос синов йили бўлади. Бизнинг шиор: «Халқимизга энг мазмундор, энг сифатли ва замонавий китоблар нашр этиш!».

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari: Bahodir JOVLIYEV.

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV (bosh muharrir), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-1122. Tiraji 26533. Hajmi 6 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Dilshod KARIMOV. Navbatchi: Sherali NAMOZOV

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA va Malohat TOSHEVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.00 ЎзА якуни — 21.15